

**Сулаймон ҲАЙДАР**

# **МАВЖИ ИҚБОЛ**

(девон)

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти  
Тошкент — 2005**

84(54)6-5

*Ушбу тўпламни азиз жияним—Мадиев Шохрухон  
Рустам ўглининг ёрқин хотирасига бағишлайман.*

*Муаллиф*

10 31614  
0

*Шеър, ғазалда акс этса гар создир расми ишқ,  
Ботинан ё зоҳиранми иймон, асли ишқ.*


*Шоир аҳли сўз тузса гар ишқдан айби йўқ,  
Юраклардан тошган туйғу, идрок азми ишқ.*

*Юрту элни, дўсту ёрни мадҳ айламоқ-ла,  
Яхшиликнинг дийдорига етмоқ васли ишқ.*

*Ишқнинг дарди шунчаки бир саёз ҳис эмас,  
Сулаймоннинг фикрича бу ҳаёт васфи ишқ.*

© Сулаймон Ҳайдар

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти. 2005 й.



## Сўз боши

Мумтоз адабиётимизга, айниқса, ғазал жанрига муҳаббат қуйган шоир Сулаймон Ҳайдарнинг «Мавжи иқбол» тўпламини ўқиб хурсанд бўлдим.

Очигини айтганда, бу кўҳна, қадимий жанрнинг сир-асрорларини ўрганиб, изланиш машаққатларига чидаб, меҳр ва ихлос билан замондошларимизнинг ички дунёсини, маънавий оламини шеър тилига кўчириш жуда қийин иш. Сулаймон бу оғир йўлдан юриб яхши самараларга эришаётганини қўлингиздаги китобчага кирган шеърлар кўрсатиб турибди. Шоирнинг ғазаллари шакл ва мазмун жиҳатидан сайқал топгани ҳам кишини қувонтиради. У ўзига хос образлар ва ифода воситалари топиб бадиий таъсирчанликка эриша олади.

Шоир анъанавий образлар силсиласига янги мазмун ва жило беришнинг уддасидан чиқади. Масалан, унинг:

Юзимда кўз ёшимни кўрса шод бўлғуси агёрлар,

Ўзинг менга рафиқ бўл, кўзларимга қатра нам қилма, — мисралари қайсидир ғазаллардаги тимсолларга ўхшаб кетади. Айни замонда, айни шу мисраларда изланаётган, ўз сўзини айтишга интилаётган ошиқ қалбнинг самимияти ва ўзига хос маънавий дунёси ҳам мужассам бўлиб кетган. Унинг нозик кўнгли анъанавий булбул навосига шайдо, айни замонда бу наво унинг хаста дилига даво. Шоир чиройли сўз ўйинлари қочиримлар орқали қалб туйғуларини сеҳрли қилторларни чалгандек моҳирона чалишга ўқувчи дилига ўз ҳаяжонларини «юқтириш»га уста. У ошиқона кайфиятлар қаторида, ҳаёт мураккаблиklarини ҳам назокат билан ифодалаш йўлидан боради. Бу йўналишда ҳам анъана ва замон руҳини уйғунлаштира олади.

Ахтариб олам аро, дўстки, дамо-дам кўрқаман,

Бошим узра бемаҳал, ғам сочмаса тонгги қиров.

Бундай гўзал мисралар шоирнинг чиройли топилмаларидир. Сулаймоннинг ғазаллари орасидан бундай байтларни кўп келтириш мумкин.

Кел, эй, сенга этай тортиқ кўнгил номли бу кишварни,

Унга ҳам ўт қўйиб тунда, ёниб битгувчи шам қилма.

Бу ёрқин байт кишини ҳам мафтун қилади, ҳам ўйга толдиради.

Сир эмаски, ғазал жанрида ижод этиш жуда масъулиятли. Уни бугунги ҳаётга қайтариш йўлида устоз Собир Абдулла, Ҳабибий, Чархий, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Жамол Камол каби забардаст шоирлар катта меҳнат қилганлар. Уларнинг ҳаётбахш анъаналарини бир қур ёш шоирлар муваффақият билан давом эттирмақдалар. Шулар орасида Сулаймон Ҳайдар ҳам ўз сози ва овозига эга бўлган ҳолда катта карвон йўлидан кетаётгани таҳсинга сазовор.

Атоқли адабиётшунос, нозик дидли шеър билимдони марҳум Абдуқодир Ҳайитметов домла Сулаймоннинг ғазалларини ўқиб, унга хайрихоҳлик билдирганидан ва «тўплам қилиб чиқаринг», — деб маслаҳат берганидан хабарим бор эди. У кишининг самимий фикрларидан далда олган шоир мазкур тўпламни дасталашга журъат этди. Шунинг учун бу китобчага марҳум устоз ишончини оқлаш йўлидаги бир қадам сифатида қараган маъқул деб ҳисоблайман. Шунини таъкидлаган ҳолда, ғазал бўстонида кезиб, астойдил изланаётган шоир укамизга улкан ижодий мувоффақиятлар тилайман. Излаганга толе ёр деганларидек, шеър ишқида ёниб тунларни бедор ўтказаётган шоир дўстимизга омад ёр бўлсин!

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,  
адабиётшунос, филология фанлари номзоди

## ҒАЗАЛЛАР

Мавжи иқболим ўзинг парвонамен сўз сеҳрингга,  
Борлигимни боғладинг мафтун этиб ўз сеҳрингга.

Сен нигоҳ этган заҳот қалбимда барқ ургай зиё,  
Тенг келолмайди қуёш инжуси афрўз сеҳрингга.

Ғар тамошо айласам бағринг латофат гулшани,  
Тўймагайдир кўзларим гулдек латиф юз сеҳрингга

Мўъжиза меҳринг сенинг ҳарчанд жафо бўлганда ҳам,  
Ки назокатли наво тутмиш кўзин кўз сеҳрингга.

Сенга содиқликни ким сақлар экан бошида тож,  
Илжида давлат қалам ҳар фасли ёз, куз сеҳрингга.

Сирлашур сен-ла иноқ мухлис Сулаймон шул сабаб,  
Боғланур чанқоқ дили ҳар кеча-кундуз сеҳрингга.

\* \* \*

Санам сиймо ситам айлаб менинг кўнглимни кам қилма,  
Забунлиғда адо бўлган қаддимни боз ҳам қилма.

Солиб бошимга минг савдо, дилимни ишқинга боғлаб,  
Дилинг тутмай дилимга сўнгги армондин ситам қилма.

Юзимда кўз ёшимни кўрса шод бўлғуси ағёрлар,  
Ўзинг менга рафиқ бўл, кўзларимга қатра нам қилма.

Ўзинг менга рафиқ бўлмоқлигинг ҳар дамда истар дил,  
Бу орзуни хароб айлаб, яна юз, минг алам қилма.

Вафодорлик қил эй дилбар, теран фикр айлабон ҳар дам,  
Кўйи ҳижрон азобидан юрагим узра ғам қилма.

Кел, эй, сенга этай тортиқ кўнгил номлиғ бу кишварни,  
Унга ҳам ўт қўйиб тунда, ёниб битгувчи шам қилма.

Топиб васлинг, Сулаймон бирла испандлар тутантир лек,  
Ёқиб жисмин ўтин мисли, кулин кафтингда жам қилма.

\* \* \*

Нафис кўнглим эрур интиқ мудом булбул навосига,  
Наводин излагай баҳра бу хаста дил давосига.

Не ҳол деб сўрсангиз дўстлар, сўз айтмоғим-да ҳўб оғир,  
Чидолмасмен ўзим рости бу жисмим дийдиёсиға.

Бу кун савдойи бемормен, недур эрта - эмас маълум,  
Не ғурбатлар мени кутгайки тақдир интиҳосига.

Фақиру бенаво бўлдим бирор чора тополмасдин,  
Забунлиғдан яралган дарди ишқнинг ихтиросига.

Вафосиз ёр саволига жавоб этмакка ожизмен,  
Тилим сўзга келолмас чун тушунмас муддаосига.

Азиз дўстлар, вафоси йўқ муҳаббатдин самар йўқдир,  
Қулоқ тутгач, амал айланг Сулаймон илтижосига.

\* \* \*

Кўнглим ҳижрон ичрадур ул қоши ё кўнглин сўраб,  
Не билур ҳолимни ул пинҳона кўнглимдан қараб.

Телба этгай ногаҳон ақлин олиб ким боқсаки,  
Мислида шамшоода бўй, гулшанда гул, бўйин тараб.

Гул мисоли ол лаби деб, бир ифор сўрсам, яна  
Кўйида ўлдирмасин бечора ошиқни у лаб.

Жонсарақдир кўзларим ширин юзидан тўймаси,  
Ботинимда айланур армон, юрак-бағрим ялаб.

Нописанд ул дилрабо, чун дил куйиб май соғинур,  
Мен хаёлимни этай шод, хушнамо майга булаб.

Эй Сулаймон, соҳиби кўнгил ўзинг, сардил ўзинг,  
Не қилар эрдинг писанд этмас гўзал кўнглин сўраб.

\* \* \*

Эй Ватан, меҳрим сенга тутдим кўнгилни жом этиб,  
Заррайи гардинг дилимга жойладим эҳром этиб.

Таърифинг аслин ҳануз шарҳ этмайин тил банди, лол,  
Чун кўзим очган маҳал жисмимни тутдинг ром этиб.

Ҳар муҳаббатдин жило лафзимга келгай беҳато,  
Илк сўзим сендан эрур, ишқингда кунни шом этиб.

Гарди гул салмоғила кўзимга келган чоғинга,  
Мавжланур дарё мисол қалбимда сўз илҳом этиб.

Онасан, ташбеҳда бас, сен онадан келган нафас,  
Кўксингга бошим тутайки иззату икром этиб.

Саждагоҳим сен ўзинг, қалбимга чиздимким юзинг,  
Ҳар нафасда қиммати аҳдинг дилимга ком этиб.

Зийнатинг таърифини ёзсам бу тун бўлмас адо,  
Чун Сулаймонга рафиқ бўлдинг, кўнгилни ром этиб.

\* \* \*

Вафонинг ғунчаси кўнглумга мансуб,  
Вафо бирлан кўнгил шодона, марғуб.

Садоқатли эурсан гарчи, эй дўст,  
Битай сенга бу дилдан инжу-мактуб.

Ҳаловатсиз қачон шод бўлди дунё  
Ҳаловатдин йироқ диллар номарғуб.

Диёнатни этиб танқис не кўрдинг,  
Ўзинг сўйла киши ростликка мансуб.

Муҳаббатни зикр этсанг тилингдан,  
Дилинг яйрар, сўзинг ширинга матлуб.

Сулаймон дер: - Киши зийнати хуш сўз,  
Вафодорлик унинг қалбига матлуб.

\* \* \*

Асли инсон бир-бирин ҳеч бесабаб тутмайди ёв,  
Фитнага дўст бўлмоғи, алқисса бир-бирига гов.

Бу азал дунё ўзи ҳар сир-синоат қўйнида,  
Нечани кул айлади нафс ишқида ёнган олов.

Нафсига қулликни айб дема, у ҳар одамда бор,  
Оч маҳал истар таом қўз, нафсу тиш-бирдек учов.

Сенга ризқ бергай Худо, инсон қиёфанг бузмаким,  
Ҳой-ҳавасга кул бўлиб, сабрингга ҳеч келтурма ёв.

Кимгадир этса насиб тахт, тожу подшоҳлик, қаср,  
Қўйчивоннинг қасри у чўл қўйнида тиккан ўтов.

Шоҳиду ибрат ўзинг, эй қўҳна дунё, сўзлагил,  
Бесабаб қай кимсага ёвлик нишини солди ёв.

На илож, ҳар кимга ризқ бир айрича бўлмиш ато.  
Кезмагин оламини ризқ излаб, Сулаймон, ҳеч яёв.

\* \* \*

Мен хаёл саҳросини кездим аросатда яёв,  
Изладим, дўст топмадим, жисмим аро ёнди олов.

Бойлигу мансаб, амал аҳдномаси шулдир деманг,  
Бўлди хуш дўст сийрати, асли фақат мендин тилов.

Эй рафиқлар, юз буринг ҳаргиз ғараз рухсоридан,  
Ҳар ғаразликдин бўлур инсон ўзи инсонга ёв.

Англасам бу кунни-ю, ўтмишни оз-оз ўрганиб,  
Кўнглига шоҳ йўқ экан, топгай эдим бўлса биров.

Ахтариб олам аро, дўстки, дамо дам кўрқамен,  
Бошим узра бемаҳал, ғам сочмаса тонгги қиров.

Эй Сулаймон, ҳар замон бўл кўнглингга сен ошино;  
Чунки бил, ҳар кимга-да, ўз кўнглидан келгай сўров.

\* \* \*

Жонмисан, жононами ёки бу жон қасдида ёв,  
Жон агар сўрсанг, берай, жоним сенга бўлсин гаров.

Жилмайиб қилсанг имо, озорланурмен чунки, хўп -  
Кипригинг наштарлари жон мулкидан овлайди ов.

Кўрқамен ҳар сония сендин жазо келгайми деб,  
Менга қасд айлармиди сендин бўлак, айтгил, биров?

Дарди ишқ ёнгувчи ўт - ул ичра қолмишмен тутаб,  
Соғ қўяр эрдимики, ҳар нарсани ёнган олов?

Жонингга жоним нечун, бир жон сенга етмасмиди,  
Мақсадинг ошкор. Менга етди хабар ғайбдин тунов.

Эй Сулаймон, сўз тузиб жононга гуфтор айлама.  
Чунки бу фикри ғазал ниҳоясин топгандир-ов.

\* \* \*

Қайда қолди, деб, рафиқим мискин отим тутмадинг,  
Неча фурсат ўтди, лекин ҳеч ёдим тутмадинг.

Ҳофиз ўлган эрдим асли, - хулқи ёдинг мадҳ этиб.  
Сен-чи бу кун хотирингга эътиқодим тутмадинг.

Ёзгирибди жуфт юраклар, ким кўзингда ғайрмен,  
Минг ажибким, эл кўзинда эҳтиётим тутмадинг.

Ишқ ароким тўлғонурмен, ой юзингга интизор,  
Қайрилиб ҳам бир нигоҳ-ла эҳтиёжим тутмадинг.

Майли, ишқ ўз йўлига лек, сўзу лутфинг бол эди,  
Бол сўзинг деб этсам эъзоз, эътирофим тутмадинг.

Нола сатрин битди сенга дўст Сулаймон чорасиз,  
Қайда қолди деб рафиқим ҳеч бир отим тутмадинг.

\* \* \*

Ватан бирла устувор тутгил ҳар дам иқболинг,  
Ватандин мусуво гар ҳарчанддир кам иқболинг.

Ўзга кишвар мақомин меҳринг этса нурафшон,  
Тундан тонгга ўтолмас битгувчи шам иқболинг.

Доно дермиш ўлкамнинг губори ҳам ифорли,  
Нодон, билгин тупроғин гардида жам иқболинг!

Гиёҳига меҳр қўй, бевақт узма япроғин,  
Муҳаббатдан тиклансин қасру шинам иқболинг.

Ватан ичра маҳзунлик ҳар кўнгилдан йироқда,  
Ўз қалбингга бўлсанг шоҳ, бўлғай бекам иқболинг.

Элин васфин битса ким Сулаймондек ҳақлидур,  
Ватан бирла, эй элдош, чексиз олам, иқболинг.

\* \* \*

Хаёлимни ўйлатди бу тонг турсам хаёлинг,  
Юрагимни титратди тушда кўрсам хаёлинг.

Гул терибсан, меҳринг гул япроғида қолибди,  
Қароғимга ўрнашгай гуллар терсам хаёлинг.

Қалбим ичра турфа хил орзуларни уйғотиб,  
Ўз кўнглимга бегона қилди, кирсам хаёлинг.

Тушкун чоғлар дардимни пинҳон сенга сўзларман,  
Губоримни қувмишдир маҳзун эрсам хаёлинг.

Етолмасдан қошингга баъзан қолсам олисдан,  
Манзилимга етказгай изн берсам хаёлинг.

Сулаймоннинг туйғуси тутгай сенга садоқат,  
Чун шуқудин жисмига қилди бир жам хаёлинг.

\* \* \*

Келди гўзал этдию бир кўнгил уйин шод,  
Сўнг этди мени балки унут, қилмади ҳеч ёд.

Қалбимга ёқиб ўт бошима айлади ғавго.  
Мен кимга қилай ул ўтидан нолаю фарёд.

Фарёд чекарам кўзларима тўлди келиб ёш,  
Жафосидан олам аро солди бу жон дод.

Мақсади шул шафқати йўқ, шитоб ичинда  
Кезмиш неча дил ичра азоб этгани бунёд.

Билмасман ўзим, келса яна жафоси борму,  
Келса ўзи кошки, гами бўлсаки барбод.

Кел ёнига, майли, ўзинг сен гила қилма,  
Балки, Сулаймон, бўлур ул хаста дилинг шод.

\* \* \*

Ҳажр доғи забт этур кўнглумни ҳеч билмай ҳудуд,  
Не сифат бўлгай шу дам ёшим билан тўлмай ҳудуд

Яхшилар асло менинг излар маконим сўрмангиз.  
Чун гадо қилгай сафарки, ихтиёр ўлмай ҳудуд.

Рост, музофотлар кечиб, изида қолди изларим,  
Кўзларим толиқдилар, мен истаган келмай ҳудуд.

Молу мулкка, эй гадо, солма назар, деб сўйламанг,  
Ҳар гадонинг мақсади кезмоқ назар солмай ҳудуд.

Дўстлар, танҳо қолиб эрсам хаёлим кўйнида,  
Сўз билан жон улфатин ахтармишам, қолмай ҳудуд.

Барча дардингга шифо бергувчи бил вақт, дейдилар,  
Кўй, Сулаймон ҳайф эрурки, кезмоғинг толмай, ҳудуд.

\* \* \*

Истагайдир ҳар киши ҳою ҳавас жондин зиёд,  
Не қилур эрди киши аслида имкондин зиёд.

Сўз била иш бирлиги, ҳам лафзи поклик бобида -  
Топилурмиш қайда куч тан ичра иймондин зиёд.

Тер тўкиб субҳу наҳор, мулки саодат изласа,  
Топмади инсон ҳануз ҳеч неки армондин зиёд!

Кўнглига қил сигмайин қолганда кимса заҳм аро,  
Истагай айтинг нима хўш сўзи - дармондин зиёд.

Истагач дард шодасин тўкмоқ галин дилпоралар,  
Кўрмади ҳеч бириси кам дилни ёбондин зиёд.

Яхшилар бисёрку, лек дўстлар, Сулаймон фикрича,  
Фитнакорнинг қилмиши ҳар чанд ёмондин зиёд.

\* \* \*

Бўлмаса эрди қани ҳар битта дил ғамхонае,  
Ҳар нафасда хуш наво биздан бегона нолае.

Майли бўлсин тонгу шом айри тин олмоқ фикри хўп,  
Юз аро шодонаваш сирли гўзаллик волае.

Хурлиқо, гардсиз жаҳон, исми азобдин соф кўнгил,  
Бўлса тўрт фасл ичра ҳам ол тусли дуркун лолае.

Уйғониш айёмининг ҳар фурсатин рўз дейдилар,  
Интиҳо топмиш чароқ хур боқса кўз мастонае.

Эй Сулаймон, не ажаб ким хуш замон васфин дединг,  
Ким эмас ҳар бир гўзаллик қошида парвонае.

\* \* \*

Тархи қош камонингни чизмакка қалам зое,  
Васфи сўз жамолингни тузмакка рақам зое.

Ҳам васфу жамолиннга, ҳам тарху камониннга  
Бир нуқта эмас жоиз, бўлса гар шу ҳам зое.

Ўзиннга бино қилдинг дилбарликни, айт қайдин.  
Ким дилбар чиройиннга қилмиш мадҳу жам зое?

Тўлғонди юрак, тинсиз васлингдин тушиб қайғу,  
Билсам васлу йўлингда чекмакка алам зое.

Қадр этмай увол этсанг, туйғулар хароб ўлгай,  
Жонсизга агар санчса занбурдин ниш ҳам зое.

Сулаймон, наво тузмиш кўнглига кириб ҳуснинг,  
Тунларни қилиб бедор, бўлди мингта шам зое.

\* \* \*

Кўнглим мени хуш бўлса шошқин мисоли дарё,  
Тўлғонаман адоқсиз ўйлар кўйида гуё.

Хаёлларим олибми, тушларга ишқ солибми,  
Юрагимга куч бергай меҳри жаннатий дунё.

Эй сиз учқур хаёллар, тутсам сизга саволлар,  
Билолмайман, айтингиз, хуш тунми, асли кун ё.

Тинсиз елар тун-у, кун, кўнгиллар бор ним, бутун,  
Бир шоду бир ғамгин ҳам сўзида синиқ ун, ё.

Тенг тутилса инсонлар, тенгдош бўлса иймонлар,  
Тор келмасди ҳеч кимга азалдин бу кенг дунё.

Нафсга қулик не хислат, ҳар кимда бор бу иллат,  
Инсон бағри нафс ила бўлғаймиди бутун ё.

Фақирга ҳеч ташвиш йўқ, бурда нонга қорни тўқ,  
Тангри балки сийлагай камтарлиги учун ё?

Пойингда тахт гар инсон, ўтгай бу давру даврон,  
Сулаймон дер: - Ҳар ишинг сўровчиси шу дунё!

\* \* \*

Кўнглум ёзайин сен-ла бориб, қошима кел ё,  
Панд ўқигил сабр ила бардошима кел ё.

Танҳо қолибон оғу ютиб рафиқни истар,  
Дилимга дўст айлану сирдошима кел ё.

Зимдан этиб ағёр ишини, қўйки, не қилдинг,  
Оғу сочиб нашъа қил, эй қошима кел ё.

Қасдинг эса гар чўчимайин аҳдинга тургил,  
Кўҳинамо тоши солиб, бошима кел ё.

Кўнглинг косасин босса губор, бўлса гуноҳим,  
Юв косасин оқсаки, кўз ёшима кел ё.

Шафқат тилаган Сулаймон, эй дўст сенга дебди:  
- Ўнг келгину бир илож қилиб, тушима кел ё.

\* \* \*

Сирли сеҳр ичинда ажиб бу мулки дунё,  
Кишиликни билмаслар билмас не улки дунё.

Лаҳзалари бор сўлгин, шодликлари туганмас,  
Ёнма-ён ҳар иккиси тийнати шулки дунё.

Йиллар ўтур суронли, тўзонли ва бўронли,  
Ўз йўлидан равон лек елмишдир, билки дунё.

Ўтур бир-бир давронлар, иймонсизлар, иймонлар,  
Аммо инсон қалбида нафис бир гулки дунё.

Майлига эрк берганлар диёнатни унутгай -  
Ким оқибат аларни этмишдир кулги дунё.

Увол-савоб бор, лекин Сулаймон сен фикрлан,  
Ҳар иш ҳисоб-китобдин воқифдир билки, дунё.

\* \* \*

Киймасин ҳеч ким бошига фитналикдан асло тож,  
Бадниятли кимсага ким сезмиш, айтинг эҳтиёж.

Митти ё улканми - ҳар хилқатни бор кушандаси,  
Чун табиатдин илонга ҳар замон чумчуқ хирож.

Билмадим, инсон аро бори тафовут шундами,  
Фаҳр ила ҳар эл этур тил бирла ирқдин бошда тож.

Тил била ирқ майлику, лек одамийлик бор экан,  
Яхши ул, булдир ёмон - демакка борми эҳтиёж.

Нақш эрусра бизга хос тил бирла дилнинг муждаси,  
Ҳазрати инсон сўзи бир-бирига бўлсин хирож.

Аҳли мўминлар каби шулдир Сулаймон орзуси,  
Эл аро хуш оқибатнинг зийнати олсин ривож.

\* \* \*

Бир меҳр сиймосига кўнглумда турди эҳтиёж,  
Норасолардин тамом кўзимни бурди эҳтиёж.

Ҳеч кима дил ёзмадим, дардимни шарҳин тузмадим,  
Ҳар замон кўксимда чун пинҳона эрди эҳтиёж.

Жуфт юзи бўлган қаролар йўлима дуч келсалар,  
Дил қаролардин йироқ бўлмоққа сўрди эҳтиёж.

Ким ёмон билгаймисиз, улки ўзининг кўнглига,  
Ор учун қул бўлмайин нафсига қурди эҳтиёж.

Мухтасар этсам фикр, ҳар бир ёмондин алҳазар,  
Ихтиёр этмоқ учун бор менда эрди эҳтиёж.

Сўзидан ҳар кимсанинг асло Сулаймон билмади,  
Чунки урган ҳар юрак пинҳона кўрди эҳтиёж.

\* \* \*

Келдим қошингга, эй парирў, қилмадинг эъзоз,  
Қаҳринг ўзингга балки, аё, нашға қилур соз.

Мазлум кўйига тушдиму ортга кета қолдим,  
Кўнглимга кириб қиш, нетайин бўлмади ҳеч ёз.

Улусга дод айласам, эй зулму сўзингдан,  
Кетди мадор, ўздан узоқ кетмади овоз.

Кўксима кўйиб бошни, тамом ноз этардинг,  
Айт, қайси фаним энди анга қилма деди ноз.

Фаним сўзин билмадиму менга ўзингдан -  
Жабру ситамни борлиғи шунчами эй, боз.

Кўй, энди Сулаймон, ситаминг, айла фаромуш,  
Ишқ шарҳиниким, жола мисол сўзга тўкиб ёз.

\* \* \*

Хаёлимдан ёниқ чеҳранг фаромуш бўлмагай ҳаргиз,  
Туш, ўнгимда сенинг ёдинг, бу кўнглим тўлмагай ҳаргиз.

Сенга бегона ишқимдан, юзим намдур сиришкимдан,  
Кўзум уйқуни истар, лекин уйқу келмагай ҳаргиз.

Дилин дардлар хароб этган, аламни ихтиёр этган,  
Киши андуҳ чекар асло ки, шодон ўлмагай ҳаргиз.

Фам-андуҳни унутмоқ-чун, яқин бир-бирга келмоқ-чун,  
Кулар кўзларку лекин бу кўнгишлар кулмагай ҳаргиз.

Ажиб имо қилур лабинг, баландпарвоз эрур таъбинг,  
Буки, мен қалби шайдони назарга илмагай ҳаргиз.

"Сенинг қошингда йўқ қадрим, Сулаймон, қолмади сабрим,"  
Деса рост, чунки зўғмингни бегона билмагай ҳаргиз.

\* \* \*

Келур жонимга боз бот-бот, кеча-кундуз жафо сенсиз,  
Рафиқ сўзига муштоқ мен, бўлибдурман гадо сенсиз.

Юраги хаста беморинг, нетаймен, кунда бедоринг,  
Соғинтирди гул узоринг, бўлибдурман адо сенсиз.

Ёшим оқса ювилгай юз, фақат унсиз тикилгай кўз,  
Топай қайдин демакка сўз, тилимга иқтидо сенсиз.

Бошим узра хусуматдин, чиқолмасдин укубатдин,  
Фаним бошима туҳматдин тузибди ихтиро сенсиз.

Айб этма ишқ гадо қилди, Сулаймон кўп хато қилди  
Ки дардлар мудлао қилди, топилмайдир шифо сенсиз.

\* \* \*

Сержило дунё гўзал - бор онда-сонда ноласи,  
Бирда шод, бир қайғудан сингай кўнгил пиёласи.

Яхши сўз жон малҳами, ҳар неча у кам дейдилар.  
Лек ёмон сўз доимо қалб оламин вайронаси.

Дилни пок этгувчи гул юз очмоғи тонг чоғидур,  
Гунча лаб очган ўшал тонг гулни чин дугонаси.

Зоҳиран ҳеч ким сенинг аҳду саботинг англамас.  
Сийратингдир ниятинг, мақсадларинг паймонаси.

Англанур салмоғи бир кун яхшилиқнинг бегумон:  
Нияти соф бўлса ким, ёнгай чироқ, дил хонаси.

Ким тутар эрди сени содиқ Сулаймон кўнглига,  
Бўлмаса қалбинг аро меҳрингни бир дурдонаси.

\* \* \*

Истагай кўнглим менинг бир дилрабо дилдорни,  
Истадим лек топмадим, дилга яқин ҳамкорни.

Шафқати йўқ, меҳри йўқ тақдир ишин инсон учун,  
Билмади сиррин дилим бу дунёи бозорни.

Дўст деманг, дилкаш деманг, хуш кўнглингиз бўлгай қаро,  
Шакли инсон, одати чун тулкидек айёрни.

Водариг, кўнгил уйин этмиш макон ғам, шубҳалар,  
Англаёлмай доғда мен ким, дўсту ким ағёрни.

Барчага ўз дарди жо бу саҳни кенг олам аро-  
Топмагайсиз танти мард, ўз айбига иқрорни.

Бағри қонлар кўксида ғам, юзида қайғу-алам,  
Ки Сулаймон бир боқиб сезгай дили афгорни.

\* \* \*

Севмаган дил ишқдан сўз очса мақбул ўлмағай,  
Бевафолиғ одати ҳеч дилга мақсуд ўлмағай.

Икки кўнгил бир-биридан баҳра олса, создир,  
Баҳра олмас гар кўнгил, шодликка мансуб ўлмағай.

Севгида бор дард, нафислик, нозу ҳижрон, оҳ, ва лек,  
Маҳбуб ўлган ҳар кўнгилга нола матлуб ўлмағай.

Гар муҳаббат шавқида ким ёнса, фикри паст деманг,  
Ҳис этолган ишқни ҳар дил борки, манкуб\* ўлмағай.

Соз олулар қўлга асли оқибатни мадҳ этиб.  
Оқибатсиз бўлса кўнгил асло, марғуб ўлмағай.

Эй Сулаймон, сен кўнгилдан иста маҳбуб васлини,  
Маҳбуб ўлган ҳар кўнгилга нола матлуб ўлмағай.

---

\*Манкуб - азобда қолган.

\* \* \*

Ёр йўлига интизор бу хаста кўнглим, кулмагай,  
Унга банди ақлу ҳушим, ҳеч ўзига келмагай.

Қалбим ичра битдики ул ғам-ситамлар шодасин,  
Шодайи дард ичра кам бу, хаста кўнглим тўлмагай.

Дона холу оразига боғланибдир ихтиёр,  
Не синоат, ҳуснидин кўз, кўздин ҳусни жилмагай.

Ҳар нафасда бир сўзи-ла жонни тилгай туз қўйиб,  
Этни тиг ҳам тилгайу ул беибодек тилмагай.

Мен фақиру бенаво, лол, интиқ ўлсам ҳуснига,  
Ул писанда айлаб ҳуснин ҳеч кўзига илмагай.

Нописандлик қилди, жабру захми етди қонгача,  
Ким, Сулаймон баски, энди васлин орзу қилмагай.

\* \* \*

Онажон, интиқ сенга бу дилни, доғинг ўртагай,  
Сийратингни эслатиб, қошу қароғинг ўртагай.

Эсласам меҳринг агар, ҳур асли пок руҳинг билан,  
Ҳолатим ҳар дам сўраб, берган сўроғинг ўртагай.

Соғиниб, шодлай дея пок руҳингга ёқсам чироқ,  
Юрагимнинг бошини ёнган чироғинг ўртагай.

Айрилиб сендан, аё, торгдим сағирлик ранжини,  
То абад энди мени дарду фироғинг ўртагай.

Уйғониб озурдамен, меҳрингни тонг қўмсаб бу кун,  
Ранж-аламни кўксима етқирган оҳинг ўртагай.

Гар юзингни кўрса туш, ўнгида боз озорланур,  
Ки Сулаймон қалбини руҳи нигоҳинг ўртагай.

\* \* \*

Кўксима ишқинг солиб, жисмим аро маҳкам тутай,  
Жисм аро маҳкамки, яъни, қон аро ҳар дам тутай.

Гар йироқ этса сени мендан, мени сендин фалак,  
Куйма деб ҳажрингда ўзни, ёдингга кам-кам тутай.

Айрилиқ вақти етиб, топмай қолиб танҳо эсам,  
Қайси таскин муждасин илким аро мубҳам тутай.

Соғиниб, истаб кезар эрсам хаёл саҳросидан,  
Бахш этиб йўлингга зор, бу икки кўзим ҳам тутай.

Кулбама тун бос қадам, майлига бўлсин ой ниҳон,  
Қонима ёғлаб пилик, йўлинг аро минг шам тутай.

Икки дил васлига жо ўз-ўзини боз шодласун,  
Беҳаловатлиғ ишин бундан буён барҳам тутай.

Эй Сулаймон, қўнглига мансуби дилбар солган ўт,  
Ишқи ёдинг то абад жоним била бардам тутай.

\* \* \*

Шаъни инсонлиғ жилоси дилрабо сўздин тилак,  
Сўз ила ўз майлига иқрорлик ўздин тилак.

Кўп такаллумлиғ аро бул мулкни зое этса ким,  
Этмагай асло амал ҳеч вақти бир юздин тилак.

Сўз жавоҳир, қадр этиб мақсад учун ким сарфласа,  
Ҳар ижобат қўйнида пайдодур ўз-ўздин тилак.

Кутмагай ким, мард эса қилган ишин миннат қилиб,  
Дўстига берган ҳалол ош-нону сув-туздин тилак.

Инсон инсондин кутар хуш феълу, фикру-сўзини,  
Мисли бир тунда зиёлиғ, ою-юлдуздин тилак.

Хушқалом бўлдингку кўп, бўлгин Сулаймон юзи хуш,  
Аҳли донишлар уқур рост сўз-ла хуш юздин тилак.

\* \* \*

Менга, хусни лола рух, айт сенга не сиймо керак,  
Балки сенга мен каби ишқингда бир шайдо керак.

Мен сенга шайдоку лек, сендин не кор ишқ билмадим,  
Чин муҳаббат бобида меҳру вафо айро керак.

Меҳрингга кирмоқ учун, севгинг сирин билмоқ учун,  
Мен каби ошуфтаҳол, бир хўп тили бурро керак.

Бунчалар зебо ўзингки, ойни эслатгай юзинг,  
Тадбиру таъриф сўзинг чун неча юз имло керак.

Ҳар кўнгил майлин агар чин топса севги бобида,  
Кимсага айтгил яна қай ўзга бир дунё керак.

Бас, Сулаймон ишқни қўй, дилдан севар лобарга де,  
Менга сендек ҳурлиқо дўсту Ҳабибулло керак.

\* \* \*

Аҳли суҳбат ичра, дўстлар, оқилу доно керак,  
Сўз десангиз сўз аро ҳам хушфикр маъно керак.

Уқдирурман ҳар ишим хўп деб расолиғ истаманг,  
Фикрингизни қадр этолган оқилу шайдо керак.

Сўз ила фикр олами гулзор мисоли турфа ранг,  
Мисқолин уқмоқ учун илм ичра бир дунё керак.

Сўзда саҳв этсангку хўп, йўлдин адашсанг туну кун,  
Кун топурсан йўл, вале, тун кавкаби Зухро керак.

Ҳар гўзаллик яхши, лек хос ҳурлиқо бўлмоқ учун  
Нозанинлар аҳлига гул атри ҳам оро керак.

Гар гўзаллик шаклини ҳар дам, Сулаймон, истадинг,  
Кел яқин, асли сенга кўнглинг каби ошно керак.

\* \* \*

Менинг кўнглимни кўнглингга, рафиқим, дилрабо билгил,  
Рафиқ сен гарчи, кўнглимга қулоқ сол, қошима келгил.

Мен айтай розу сўнг тинглай сенинг ҳам аҳди розингни,  
Икки дил шодланурса, ҳамнафасда баҳраманд бўлгил.

Қароринг йўқ эмиш, тоқат ўйидан топ қарорингни.  
Сабр янглиғ шижоатнинг икки дунёсига тўлгил.

Шафоатдир кишига бир-бирисидин сўзи гавҳар,  
Сўзинг бирлаки маҳзунлар дилига хуш зиё солгил.

Хавойи сўз демишлардин Сулаймон бўл йироқ, аммо,  
Агар кўнглингга бош эгсанг, садоқат ёнида қолгил.

\* \* \*

Неки хушлиғ истасанг, аввал ўзингдин истагил,  
Малҳами сўз маънисин ширин сўзингдин истагил.

Кўзлагин, олиймақом эрсанг, сафо дил ниятин,  
Гул, чаманнинг лутфини кўрган кўзингдин истагил.  
Ҳолати мастона шод, тутсанг бўлар мискинга қўл,  
Кимсага меҳринг ўзинг кулган юзингдин истагил.

Иззатинг топ ҳар замонки элга дастурхон тузиб,  
Дўстларинг чин меҳрини тутган тузингдин истагил.

Шафқат истар бандадин меҳрга зор ҳар бандаси,  
Бир тараҳҳумни, ахир, қилган юзингдин истагил.

Истама бошинг қашиб бойлик, юзинг бур, таъмадин.  
Соғлиғу дуркун ҳаётинг ризқ-рўзингдин истагил.

Даҳр аро танҳосифат инсонни асло излама.  
Эй Сулаймон, зийнатинг аввал ўзингдин истагил.

\* \* \*

Жамолинг қошида лолу ажиб ҳайратда қолгай дил,  
Сенга кўз тикса кўз тўймай, хижолат ичра толгай дил.

Эшитса гар сўзинг холис, бехосдин бир карам қилсанг,  
Юзингдан гар йироқ бўлса-да ҳамки баҳра олгай дил.

Қачон ишқдин жафо бўлса, юраклар бенаво бўлса,  
Ўзин мислида парвона ёнур ўтларга солгай дил.

Секурман деб ўзинг айтдинг, бугун ишқ сўзидин қайтдинг.  
Вафоси йўқ бу севги чун маломатдин уёлгай дил.

Макон топмай азоб ичра, уқубатларнинг остида,  
Сув излаб қатра, Мажнундек биёбонларда қолгай дил.

Сулаймон, бунча оҳ урдингки, қўмсаб бенаво ишқни,  
Ўзинг айтчи, бу коридан не янглиғ баҳра олгай дил?

\* \* \*

Дарди-ҳижронинг гўзал жонимга еткурди ситам,  
Бунча бўлмас дейдилар мискинга ғам устига ғам.

Келмоғинг истаб хаёлда вақти чоғ бўлгайману  
Ноз қилгайсен яна сен, мен томон босмай қадам.

Тушди ишқим сенгаму ё шунчаки орзу, майл,  
Тунда кўз уйқудамас, кундузда танг ҳолим бирам.

Бор эмишки бир ҳақиқат, билмадим, қай урфи бу,  
Дейдилар, ишқ можародин бош аро тутгай алам.

Мен кезай дунёни то бу можаролиғ ўтида,  
Қай йўсин, айтгил, бўлур кўнглимда хушлуғ битта жам.

Тошбағир эрмасмусен афтода ҳолим кўрдингу  
Ҳажв этиб, мискин мисол қалбимга еткирдинг алам.

Ранжидин қоғоз уза тўдди Сулаймон дардлари,  
Ютдию тошдек сўзинг, кўзида қолди ашк-нам.

\* \* \*

Равзайи гул сен-Ватан, ҳар тилда дostonимда жам,  
Дўст учун кўнгли кенг, очиқ, тилла остонимда жам,

Мадҳингга шеър битмоғим бор - асло, бу миннат эмас,  
Сенга бўлсин майли жоним мулки эҳсонимда жам.

Гарди гул япроғинга юз, минг нафосат бўйи бор,  
Саҳни осмону чаман жаннат шу тўрт ёнимда жам.

Сенда топган таскиним, топмам тавофи Каъбадин,  
Қалбим ичра ифтихор кўнглимга посбонимда жам.

Оқилу деҳқон элинг кафтига чизди сувратинг,  
Сенга фарзанд бўлганимдур шавкату шонимда жам.

Эй Сулаймон, нияти меҳру саботинг юрту эл,  
Бўлсаки, арзир десанг, бор дилда, иймонимда жам.

\* \* \*

Ошно қалбим сенинг ҳуснингга шайдо келмишам,  
Тушгани рост бошима мушқули савдо келмишам.

Кўнгил отлиғ мулкиннга меҳру саховат шаклидан,  
Эй санам, тонгларда гул бўлганда пайдо келмишам.

Юзларинг ойдин нишон, васфига ожиз забон,  
Жон аро ҳажринг ниҳон солганда ғафго келмишам.

Ахтариб ҳар дам хаёл меҳру саховат гўшасин,  
Нотавон ҳолимга дил излайди даво, келмишам.

Васлингга интиқ ўзим, йўлнигор бўлди кўзим,  
Ким синиқ қалбимни ишқ айлабди маъво-келмишам.

Дўстлар, олам юзин тутди Сулаймон ноласи,  
Майлига ҳолим деди бўлсин ҳувайдо<sup>1</sup>, келмишам.

<sup>1</sup>Хувайдо - ошкора.

\* \* \*

Ажиб, гўзал дунёнинг истаклари армоним,  
Таскин отли мўъжиза дардларимга дармоним.

Ўз измига қул қилгай, бағримни ёқиб тилгай,  
Кўзим етмас орзулар баҳрига фарқ ҳар оним.

Маҳкумман ҳўп азобга, юкунмадим меҳробга,  
Суллоҳлардан йироқман, ўзимча, пок иймоним.

Ким бойлигин кучоқлар, ким ўз гуноҳин оқлар.  
Фасодлардан яралган тиканакзор тўрт ёним.

Жисму юрак, юз, кўз бир, аммо, меҳр турфа хил,  
Гуноҳкорлар бисёр, лек, гуноҳқормас замоним.

Қилсам арзир ифтихор, ўзимдадир ихтиёр,  
Хуш ҳисларнинг сояси қалбим ичра меҳмоним.

Келинг дўсту қадрдон, таъзим-ла дер Сулаймон,  
Юрақдаги ҳислардин тузилсин бу девоним.

\* \* \*

Ўзин билмас нодон норасоларга йўлиқдим,  
Эзгуликнинг қадридан жудоларга йўлиқдим.

Шукур недир билолмас, гўзалликни кўролмас,  
Жоҳил кўзи нафсга қул фидоларга йўлиқдим.

Билолмай не иқтидо, тирикликдан норизо,  
Эҳсон учун қўл чўзган гадоларга йўлиқдим.

Чиммат тутиб юзига, ибоси йўқ, кўзига -  
Карам этгувчи, сохта ҳаёларга йўлиқдим.

Ёлғон меҳр сўйловчи, ўзин мадҳин куйловчи,  
Разолатга ботган бир балоларга йўлиқдим.

Кўзларига тор дунё, фиску фасод муддао,  
Эҳсон фикрин қилмас бесахоларга йўлиқдим.

Айб этмангиз, Сулаймон не қилгум дер, дил вайрон.  
Ўзим билмай шундайин балоларга йўлиқдим.

\* \* \*

Тиларман захми дардимга, суянчим ёр, даво сендан,  
Бўлурму кўнгли маҳзунга сўзи оҳанрабо сендан.

Хаёлда васлингга қонсам, бевақт уйқудан уйғонсам,  
Келур, истақда тўлғонсам, ёқимли ҳур сабо сендан.

Хароб ҳолимни билмабсан, келур ўйини қилмабсан,  
Менинг ишқимни сезмабсан, ўтибди бир хато сендан.

Гадо мен ҳоли афгорлик, очай сенга дил асрорлик,  
Бу ишқ йўлида иқрорлик, сўрар мендек гадо сендан.

Бу ранжларки адо бўлса, қадаҳга май расо тўлса,  
На бўлғай мустажо бўлса висол базми ато сендан.

Сулаймон зор мудом йиғлар, ишқ деб ўз-ўзин тиглар,  
Вафосин кўксида чоғлар келурму деб садо сендан.

\* \* \*

Дилрабо ҳуснинг гўзал, гул ҳуснига тенг, ёнма-ён,  
Фунча лаб очганмикин ё ол юзингдан томди қон.

Кезсам ул саҳни чаман, пойимда сув шалоласи,  
Тонгда ёш тўқдингму ё гул шабнамидир ашқфишон.

Оразинг очсанг унга дилдан ҳавас қилгувчи кўп,  
Ёришур ҳуснинг ила, ҳар дилдаги мулки жаҳон.

Шоҳиди кўкда қамар, билмамки, жон қасдигами,  
Телбавор этдинг мени, бир бор кириб тушга ниҳон.

Ўнгда мушкулдир сени кўрмоқ, яшинга бастасен,  
Куйдурур кўзларни ҳам бирдан нигоҳ тушган замон.

Гар Сулаймон сўзингга то боғланур бир лаҳзалик,  
Бир умрли кўзига равшан эрур бу кенг жаҳон.

\* \* \*

Дилинг гўзалнинг ҳуснига боғланса, боғланур экан,  
Истаб чиройи васлини кўрмоққа чоғланур экан.

Ногоҳ кўнгил пиёласин синдирса айрилиқ ели,  
Кори жафонинг оғуси юракда доғланур экан.

Сўз ила бир-бирингга ҳеч санчма тиконлар, эй ҳабиб,  
Тиконли гул қучоғида булбул-да зоғланур экан.

Маҳбубини шодласа дил, шу онда ҳар дард қочадур,  
Рафиқни топгани замон кўнгил-да тоғланур экан.

Аҳди муҳаббати ила соя бўлолса мушфиқи,  
Кимса ҳаёли шул замон шодлик-ла товланур экан.

Дарду дилини ким ютиб ёрига арз этолмаса,  
Унда Сулаймон сўзи ҳам юракда доғланур экан.

\* \* \*

Рашкинг билан дилимга бир нола келтирибсан,  
Ўртаб озор-ла жисмим армона келтирибсан.

Висолнинг васли шул деб, кўриб аламга тўл деб,  
Ағёрни чорлаб аммо дармона келтирибсан.

Келмай қошимга такрор, этиб мени дилафгор.  
Айлантириб бу бошим, гирёна келтирибсан.

Сўзингга оғу бойлаб, мудом ситам йил, ойлаб,  
Фақирга исму қалби вайрона келтирибсан.

Бунча карашма-нозинг, қўмсайди дил овозинг,  
Соғинчнинг васлин амру-фармона келтирибсан.

Дилин кўриб Сулаймон, бўлибди дейди вайрон,  
Жабрни сотиб олиб арзона, келтирибсан.

\* \* \*

Мени, мен билмасам, қай кун сири оламини билмишман,  
Сири оламини билмаслар демас одамини билмишман.

Нафисдир туйғуси инсон, нозикдир ёт кўнгил, дерлар,  
Кўнгилни кўрмайин қайдин кўнгил хонамини билмишман.

Само саҳнида юлдузлар олиб қочса хаёлимни,  
Сирин англаб етолмай тун аро ноламини билмишман.

Ажиб, дунё ишин асло синоатин билолмасдин,  
Гоҳи ғам, гоҳи шодликда кечувчи дамни билмишман.

Сағир қисмат ўйиб ёзса юракка нола-афгонин,  
Ки афгондин дилим ёнган, мисоли шамни билмишман.

Ният холис эмас кимда, Сулаймон то абад бил дер,  
Етолмас орзулар ичра ҳаёт бир камни билмишман.

\* \* \*

Кетма жонбахшим ўзинг, ҳижронда жон ўртанмасин,  
Кўзғалиб, кўксимдаги дарди ниҳон ўртанмасин.

Тиз чўкиб маҳзун сифатла илтижо меҳробига,  
Кўнгил отлиғ мўътабар мулки жаҳон ўртанмасин.

Осуда тун қўйнида талпинган ул икки юрак,  
Чарх уриб тинсиз азобда ёнма-ён ўртанмасин.

Икки дил шаҳрин тузиб, мадҳ айлаган паймонани,  
Сўзлаган бир тун аро лафзи забон ўртанмасин.

Қалбима қалб тутгану ҳам дардкаши содиқ менга,  
Истагим-ла бахтиёр ул жонажон ўртанмасин.

Эй Сулаймон, ишқда сен собитқадам мардона бўл,  
Бевафолиғ касрига кори Жаҳон ўртанмасин.

\* \* \*

Бахтни ким излар эса, чеккан жафодан изласин,  
Тонгдаги шамс меҳрини нури зиёдан изласин.

Сохта шуҳрат аслику ўхшайди тушлик сояга,  
Сояйи соф шуҳратин чеккан изодан изласин.

Ким суяр борлиқни ул меҳрига чин ошuftа маст,  
Лолагуллар бўйини тонгги сабодан изласин.

Қисмати қулик недур, йўқлик не хил таҳликадир,  
Сўзи хуш, кўнгли беҳуш руҳи гаодан изласин.

Қалбига ботса оғир бир не юмуш, таскин ўйин,  
Сеҳри-ла хўп йиғлатур назму наводан изласин.

Эй Сулаймон, панд этиб, демаки ул бул излама,  
Кимсалар тақдир ишин Одам Атодан изласин.

\* \* \*

Кўнглингга сиғсанг, ажиб оламга сиғмоқлик қийин,  
Олама сиғсанг, вале, кўнглингга сиғмоқлик қийин.

Дур сифат сўзларга жо эрмас рафиқлар суҳбати,  
Чунки ҳар суҳбат аро дурдона йиғмоқлик қийин.

Гар меҳр тутсанг, сенга келгай меҳрдин оқибат,  
Яхшиларнинг меҳрисиз дардингни йиқмоқлик қийин.

Бу ҳаётнинг лаҳзаси шод, лаҳзаси озурдалик,  
Ки машаққатсиз бирор мақсадга етмоқлик қийин.

Сирлидир қалбингдаги сабру қаноат ғояси,  
Гоҳи йил кутгайсану гоҳ лаҳза кутмоқлик қийин.

Гар ҳаёт ширин эрур, ҳижронлари битмас каби,  
Шарҳ этиб дил ноласин, сўз бирла битмоқлик қийин.

Дер Сулаймон: - Ҳар юмуш мақсад жавобин ўйлангиз,  
Ҳар хато ишдан бирор кўнгилга сиғмоқлик қийин.

\* \* \*

Фурбатинг гавғосидан озурда тўлди жон аро.  
Умр ўтур, ваҳки, шу жон маҳзунайи - афғон аро.

Боғладим сенга дилим, не қўнглинг истар билмадим,  
Айланур сендин жазолиғ мен каби гирён аро.

Бу дилим вайронлигин ҳис этдими қўнглинг десам,  
Сезмадинг, қалбим куяр ҳажр ўтида армон аро.

Таънаму мискинлигим андишани қўйдинг йироқ,  
Шунчаки ошкора сўз ё келди тил - бийрон аро.

Ҳар сўзинг чўл қўнглима чизгай эди гул шаклини,  
Айт савоб эрмасмукин эсмоқ ниҳол ёбон аро.

Юз гўзалнинг матлабин қўрсам бири сендек эмас,  
Кўҳинур кўздин йироқ бўлди қачон маржон аро?

Интизор инсон дили ҳар дамда қўмсайди рафиқ,  
Сенсиз ҳеч кун топмадимки хушнаво, даврон аро.

Ишқ жабридин Сулаймон қўнгли хушлик ахтариб,  
Сўзларини мухтасар этмишки бу девон аро.

\* \* \*

Юрагимнинг икки банди титрар бежо,  
Бири айлар маҳзунликдан хўп илтижо.

Бирин эса, кучоғида ухлар хаёл,  
Мен ўртада сарсон қолган мискин гадо.

Нечун бунча дардинг оғир, айтгил десам,  
Хиёнатлар кўпдир дея қилди нидо.

Бу дунёнинг кўзларини кир-чир босган,  
Инсонларнинг қалбларидан қочган ҳаё.

Нотиклари хушомаддин оғиз йиртар,  
Толиблари масал тўқур ғийбат аро.

Қизларининг кўзларида ибоси йўқ,  
Хотинларин суҳбатлари ғийбатнамо.

Кўргин-кўргин авлодларинг ҳолин кўргин,  
Қайда қолдинг Одам ато, Момо ҳаво?

Айтганларим тушми ё ўнг, Тангрим, буткул,  
Сулаймонга ўзинг бергил дафъи бало.

\* \* \*

Кўнгул қўй энди оҳингни, башардин ўз рафиқинг топ.  
Меҳр истовчи бир дилдан диёнат туз рафиқинг топ.

Самоларга боқиб дилни ғуборлардан фориғ айлаб,  
Жилоси-ла этур хушнуд ёнар юлдуз-рафиқинг топ.

Ҳаё урфини қилмас ким, ибо не хилда билмас ким,  
Юзингга боқсалар, боқма, узору юз рафиқинг топ.

Кўзинг шайдо этиб алданма ҳеч ҳою-ҳавасларга,  
Насиҳат шул, ғуборсиз хур боқувчи кўз рафиқинг топ.

Тилинг тийсанг, бало қочмиш ҳаётинг узра йўлингдан,  
Сукут сақлаки, лафзингдан иболи сўз рафиқинг топ.

Аё, пок тузу ошингга ёмонни ҳеч яқин этма,  
Сулаймондек самимий дил, бир эрмас юз рафиқинг топ.

\* \* \*

Кўзларим, кезгил чаман ичинда гул япроғин ўп.  
Гул, сен ҳам кел, кўзларимнинг ҳолати чарчоғин ўп!

Не қилайким, кўзларим озурдалиғдин толдилар  
Дафъига, дедимки мен, гулзор кечиб кучоғин ўп!

- Ҳолатим толғин, нигор, йўлинг кутиб, ошиқ деса,  
Дилрабо қавми демиш: - "Босган изим тупроғин ўп!"

- "Кел, юзинг қаймоғидан эт баҳраманд дилбар!" - десам,  
Ул деди менга туриб: - "Тонг косанинг қаймоғин ўп!"

Ваҳки, нафснинг дастидан бўлдим букун эл варзиши,  
Нафс демиш чўртанга ҳам: - "Сайёд элин қармоғин ўп!"

Фуссадин пок этгуси қалбни Сулаймон сўз ила,  
Эй кўнгил, сен шул учун шоир элин бармоғин ўп!

\* \* \*

Кўзларингда эй дилоро, ҳолати шод ўлтирур.  
Ой юзингда мафтун этган мулки обод ўлтирур.

Ўртаниб дил йиғлаганда нозларингни соғиниб,  
Юрагимда маҳзун интиқ дарду фарёд ўлтирур.

Ойжамолинг жилвасига тўймадим ҳеч термулиб,  
Истагимда ҳуснинг овлаб аҳли сайёд ўлтирур.

Мен чаманни истагайман, истагимдир бот-бот,  
Чун чаманда сен каби гул-бўйи шамшод ўлтирур.

Бир ибo-ла боқсанг, эй ёр, боққанинг дил равшани,  
Сархуш айлаб кўнглим ичра фикри озод ўлтирур.

Ишқ деб сен чекма озор, эй Сулаймон, ногаҳон,  
Васл ўйига етмаганлар қалбида дод ўлтирур.

\* \* \*

Тунда ойнинг шуъласи рухсорига боғландилар,  
Оразин анворлари ҳам ой томон чоғландилар.

Хослигин ул ойгами ё ой юзига хослигин,  
Боисин топмайки лол, бир неча дил доғландилар.

Бир ўтиб кетса чамандин, хуснига гул аҳли лол,  
Андалиблар иштиёқсиз гунгу лол чоғландилар.

Пойига бошин эгиб юз очмаган гул гунчалар,  
Келмоғин такрор билиб маҳзун дили тоғландилар.

Тергани гул чиқса боз қир бўйига, тонгги баҳор,  
Хуснига пайваст тўйиб қирлар-да шод чоғландилар.

Фойибона таърифин битса Сулаймон ошиқиб,  
Қалби ичра ҳислари шод кўнглига боғландилар.

\* \* \*

Оразинг кўргач сенинг кўнглимга кирди навбаҳор,  
Сўзларинг инжуларин кўмсайди қалбим интизор.

Дилбарим ой юзлари сочгай муҳаббатдин зиё,  
Толем фатвосидин кўнглимга келгай ифтихор.

Ўзни пок айлаб бу кун ишқдин йироқ бўлдим десам,  
Тархи ишқ чизмиш яна дил ичра тақдир-чизмакор.

Энди мен ишқ жомига синган кўнгилни боғладим,  
Келмасун қошимга ҳеч ағёр янглиф устакор.

Ишқни қадр этмоқ шараф, маҳбубни севмоқ фарз учун,  
Мен дегум: - Ишқ қадрини билмайди ким у нобакор.

Дилки бор, бир жуфт бўлиб, васл уйига хуш келгани,  
Бу ҳаётдин шод ўгур, бўлмайди асло нолакор.

Интизор бўлган икки кўнгил муродин изласа,  
Шубҳа йўқ дейди Сулаймон, серзиё бахтдан бу кор.

\* \* \*

Бир боқиб ақлимни олди ой нигор, эй дўстлар,  
Юзлари қирмиз, мисоли жуфт анор, эй дўстлар.

Тунда кулган оразин ҳар лаҳзада қўмсаб яна,  
Васлига ошуфтаҳол мен интизор, эй дўстлар.

Нописанд зуғм айласа, боқмай қиё афсус чекиб,  
Ўртанур кўнглим менинг беихтиёр, эй дўстлар.

Ўксиган кўнглимга ҳеч излаб даво мен топмадим,  
Айтингиз, гар билсангиз, не ихтиёр, эй дўстлар?

Қай йўсин боғланди-ю, дил дам-бадам меҳрига зор,  
Бўйнима дард шодаси бўлди тумор, эй дўстлар.

Ишқдан силкиб қўлим тин олмоғимни истадим,  
Асли ғам чекмай туриб, ким бахтиёр, эй дўстлар?

Ошиқона бир ғазал битса Сулаймон шул сабаб,  
Дард қочур тонг жисмидан беихтиёр, эй дўстлар.

\* \* \*

Топмамиш бахтин тугул бахт излаган бедорлар,  
Юз ўтирмишлар савобдин дунёйи безорлар.

Бу қадим дунё иши сарсон этур гар кимсани,  
Бошига солғай бало нафсдин келур озорлар.

Ўт ила сув ғарқига нафснинг жилоси бўлмаса,  
Ўзларин ургаймиди, айт, ҳолати абгорлар?

Бу табиатнинг иши, гар истаса дайди шамол,  
Бир нафасда жон берур рангин гулу гулзорлар.

Қай йўсин ювмоқ эдинг, сўзла йигит дил ранжини,  
Кетсалар ҳол сўрмаси сендан йироқ дилдорлар.

Ёру дўст ҳамдамни ҳам кўнглига йўл топмоқ қийин,  
Гар бирор сўз захридан бўлса дили абгорлар.

Бас, Сулаймон истасанг дўстингга қўл тутмоқ ишин,  
Бўл ўзинг ҳам яхши, чун кўп яхшиликка зорлар.

\* \* \*

Йироқдир ҳар кўнгил мендин, мени андин йироқ денглар,  
Фигону нолаваш ҳолимга хосликни фироқ денглар.

Кўнур эрса бошимга бахт ҳаволанма, дея зинҳор,  
Менга ҳар дам бўлиб огоҳ ўнгу сўлингга боқ денглар.

Фаму андуҳга ён сирдош рафиқ ҳар дам топилмайдур,  
Топилса, шундайин дўстнинг дилин дилга чироқ денглар.

Заковат мевасин истаб топурамишлар улуғлардин,  
Улуғлар лафзини поку сўзин мулки сабоқ денглар.

Ҳаёлдан ўчмагай асло, ҳаёсизнинг иши ғавғо,  
Ҳаёсиз яхшидан дўстлар ёмонни яхшироқ денглар.

Рафиқ аҳли, Сулаймонни бу фикридин тутунг маъзур,  
Ки бойлик дўсти дўстларнинг дилидан кўп йироқ денглар.

\* \* \*

Кўнгиллардин ғубор қочди. Ёқимли куй навоси, бас,  
Қаро кўздан сирешкимнинг сизувчи сел ҳавоси, бас.

Муғанний, сел бўлиб оққан неча дилларни йиғлатдинг,  
Зиё малҳам экан дардга, анинг тотли давоси, бас.

Билолмаслар, қачон бўлган бино нақшин ҳаёт ичра,  
Билурларким ҳавосидан кўнгилнинг ҳар балоси, бас.

Ҳаловат боғлади бир дам ва бир дам сокину маҳзун,  
Тўкилди сеҳрига сингиб, аламларнинг жафоси, бас.

Чирой тутганмиш ул гулга, тил ҳам берган у булбулга,  
Разилни дўст қилур дилга унинг сирли навоси, бас.

Навонинг васфини чизмоқ, Сулаймон, сенга осонму,  
Ажиб, ўн икки сатрингда, мана, фикринг жилоси, бас.

\* \* \*

Заҳматим ошкора, дил шодлиғни бир он истамас,  
Фикри аҳд паймоналиғни, чунки жонон истамас.

Кўларим мунгли, сўзимда бўлди пайдо оху воҳ,  
Юз алам-дард тингламоқни офати жон истамас.

Манзилин излаб неча даҳру-музофот кечмишам,  
Бормоғимни ҳеч вақтда мисли меҳмон истамас.

Топди дил озорини, ул ваъда этди, сўнг висол  
Эмди аҳд-паймонани бу кўнгли вайрон истамас.

Баски, бу ишқ, боиси чекдим риёзат шунчалар,  
Севгидан асло кўнгил бир зарра ҳам шон истамас.

Дўстлар, кўнглидаги ишқин маломат этмангиз,  
Ишқ учун дашном эшитмакни Сулаймон истамас.

\* \* \*

Келса гар дард шодаси, бошингга келғай басма-бас.  
Нолишиб кўзлар-да кўз ёшингга тўлғай басма-бас.

Ногоҳон забт айласа жисмингни озорлар қучиб,  
Гоҳ дўст душман мисол ҳолингга қулғай басма-бас.

Тунларинг тинсиз кечур ҳар лаҳза бир армон билан,  
Кулмагай кўнглинг, бироқ андуҳга тўлғай басма-бас.

Бу гўзал ширин ҳаёт гоҳида шод, гоҳи ҳазин,  
Истасанг шодлик, алам, дугона келғай басма-бас.

Гар сабр қилмас эсанг, дилга тиконлар санчилиб,  
Нотавонлик ноласи бағрингни тилғай басма-бас.

Эй Сулаймон, сабр ила турмушда тадбир айласанг,  
Кун сочиб бошдин зиё, шодлик-да бўлғай басма-бас.

\* \* \*

Кўнгилга сизди бу олам, бу оламга кўнгил сизмас,  
Кишининг жисмида тил лек, киши феълига тил сизмас.

Садоқатни топура эрмиш башар излаб садоқатдин,  
Дил истар дилкушойишлик, нетурмиз дилга дил сизмас.

Чизинг қалбга муҳаббатнинг чиройли гул каби шаклин,  
Деманг, асло, чаманзор ичра бўйи турфа гул сизмас.

Ўзин билмас риёкорнинг тушиб бошига минг савдо,  
Маломатга ботиб ўтгай - бу кенг оламга ул сизмас.

Эй инсон, фикрати олий кучу қудратда бетакор,  
Билинг, ўз вазнидан ортиқ ҳаётга ул-да бул сизмас.

Дили вайрон киши ғамдин аламли заҳм сипқорса,  
Сулаймон дейди бу дамда кўнгилга асло мул\* сизмас.

\* \* \*

Чорасизлик одати қалби синиқ мазлумга хос,  
Ҳар гуноҳорлик учун бермоқ ҳисоб маҳкумга хос.

Ваъда этсанг кимсага, эпла субутинг синмасин,  
Битмаган иш охири ҳеч нақд эмас, мавҳумга хос.

Гар саботинг дилдадир, чўкма риёзат баҳрига,  
Кўпириб дарё кучи, ҳусним дегай мавжимга хос.

Толъеинг шарҳин тузиб, сархуш ҳавойи сўзлама,  
Чун баҳо бермоқлик энди сенгамас, мардумга хос.

Севсанг ҳам севгил, вале, ўлдим дема, куйдим дема,  
Куймоғи баргу хазон, фоний иши марҳумга хос.

Эй Сулаймон, дон экиб, ҳосил умидин қилмагил,  
Чунки ҳосил чўғини билмоқ эса мавсумга хос.

---

\*Мул - май, шароб.

\* \* \*

Эй мурувват, кел, менинг маҳзунвор бағримни тут,  
Таскин эт, бўлгил рафиқ, қалбимдаги қаҳримни тут.

Қолмайин танҳо ўзим ҳеч бесамарлик ўйида,  
Тўкса ёш озор чекиб, бу икки кўз наҳримни тут.

Ҳар киши ўз дардини хўп ўтказар ўз кўнглидан,  
Мен сенга дардим дейин, маҳрам бўлиб меҳримни тут.

Бадниятлар заҳмининг фатвосидан озурдамен,  
Ўтмасин қонимга, сен озурдалиг заҳримни тут.

Алдамай ўзни ўзим, мен бирла қолсин эзгулик,  
То қиёмат келса ҳам шодона дил - баҳримни тут.

Майлига берсин баҳо эл, не раво кўрсин ва лек?  
Фисқ-фасодликдин йироқда бу тилим-шаҳдимни тут.

Эй Сулаймон, сен каби кўнглига ҳар ким ҳам десун,  
Одамийлик деб аталган бабаҳо аҳдимни тут.

\* \* \*

Қонимда сузар тинсиз мавжи сокин бу ҳаёт,  
Шодликларга ошино, ғамга тўкин бу ҳаёт.

Истамадим қўл чўзиб имкондин ҳеч зиёда,  
Нафсимга қул қилиб, гоҳ алдар лекин бу ҳаёт.

Ким саодат излайди, кимга рафиқ қабоҳат,  
Чиркинларнинг наздида афсус, чиркин бу ҳаёт.

Ушоқ нондек қадри йўқ мен ҳам ожиз бандамен,  
Эътиқодим бағрида менга дуркун бу ҳаёт.

Туғилмоқ бор барчага, ҳаёт охир бир кун деб,  
Жазо қўллаб, ўлимга этур сургун бу ҳаёт.

Ҳар инсонга Сулаймон мўмин бўл дер, топ имкон,  
Муҳаббатнинг шаклин кўз очиб кўргин, бу ҳаёт!

\* \* \*

Эй сабо, ҳолим менинг дил рози - афгондин эшит,  
Ёр учун ишқ кўйида куйган бу нолондин эшит.

Ишқ дардинг йўлида ғам чекма ҳеч озор ила,  
Ошиқ эл аҳволини, кел, кўнгли вайрондин эшит.

Аҳди ёлғон ёр учун чекдим изо, бўлдим адо,  
Заҳри ишқ асрорини сўйловчи бу жондин эшит.

Бевафолик заҳмини бил бенаволардин сўраб,  
Ё менингдек хастайи девона сарсондан эшит.

Нописанд бир нозанин ишқи-юрак титроғини,  
Тут қулоғинг кўксима, бош кўйки, бу жондин эшит.

Боиси не деб мени кўйма саволинг домига,  
Сўзласин дилдан ўзи, ростин у жонондин эшит.

Сен агар билмоқ эсанг ошиқлар аҳволин келиб,  
Ҳар саволингга жавоб келгин Сулаймондин эшит.

\* \* \*

Сўзла инсон, қалбингни нечун тутди маломат,  
Биринг гуноҳ иш қилдинг, биринг тутди маломат?!

Дўстдан кечдинг, кечолмай оғир-енгил гуноҳин,  
Қайта борсанг изингдан келиб етди маломат.

Парча нону қатра сув шукрин баъзан қилмадинг,  
Жон-жонингга сингиган қондин ўтди маломат.

Шўр эканку пешонанг шунчалар бир бошингга,  
Яхши-ёмон исмли қисмат битди маломат.

Аро йўлда қоқилсанг оқибатда жисмингни,  
Ўлим эмас, аслида, бевақт ютди маломат.

Доноларинг ҳам кўп рост, бийронсен бир-бирингдан,  
Минг афсус сўз бошингдан макон тутди маломат.

Сулаймон, шеър дастидан қолдим дейди уятга,  
Авф этгайсиз қоғозга қўлим битди маломат.

\* \* \*

Кўзларингиз боқса жабру жафоми,  
Юзларингиз кулишлари вафоми.

Уйқуси йўқ бу жонсарак кўзларим,  
Висолингиз йўлларида гадоми.

Менсимаин бизга имо қилурсиз,  
Жамолингиз чиройи бебаҳоми.

Чиройига мафтуну маҳлиёни,  
Не бўладур келгуси интизоми.

Вафо учун висолга дил берайлик,  
Висол ўзи вафонинг эҳтироми.

Бунча гўзал, сўзлари бол ўзингиз,  
Билолмадим сўзим ростми-хатоми.

Таъриф этиб сизни бу тун уйқусиз,  
Сулаймонга ғазал ёзиш жазоми.

\* \* \*

Инсон ақлу фикридан қалбида пишар туйғу,  
Сўздин хушрўй буй олиб дилга мос тушар туйғу.

Ҳориб ҳаёт йўлингда келиб унга суянсанг,  
Ранж боғлаган юклардин кўнгилни эшар туйғу.

Сўзда керак малоҳат, яъни, сархуш сўзламоқ,  
Аччиқ сўзга эрк берсанг юрагинг тешар туйғу.

Ҳар бир инсон бир олам, ул ичра ҳар қалб денгиз,  
Шодон эрсанг қирғоқдан, зилолдек тошар туйғу.

Илму ҳунар савдоси машаққатли ҳунардур,  
Илм изласанг, эй толиб, кун-кундин ошар туйғу.

Сулаймон гар сўз айтса ошкор айлаб истагин,  
Муҳаббатли ҳислардин навнихол ёшар туйғу.

\* \* \*

Сенинг ёдинг билан дилдор, бу кўзлардин йироқ уйқу,  
Фаромушликни дил истар, менгадир яхшироқ уйқу.

Не топдимки, сени истаб, дилим озоридин ўзга,  
Икки кўзим билан топмишки оқибат нифоқ уйқу.

Саросармен забунлиғда, аламкашлик юзин очди.  
Қачон менга бўлур энди келиб бир иттифоқ уйқу.  
Магар бошимни болишга қўюр эрсам, ширин ҳис-ла,  
Қилур эрди хаёлимни аламлардин чароғ уйқу.

Кечиб бедор тунларни ва тонглар кўз илинтирсам,  
Ҳадиклардан юрагимга солибди қалтироқ уйқу.

Ҳакимлардин тилаб имдодки дарди арзиҳол этсам,  
Деди: - Афтода этмишдир сени ўйинқароқ уйқу.

Сулаймон, бир вафодордан бирор нишона кўрмайдур,  
Шу боисдан керак бўлди ғазалга ҳам туроқ уйқу.

\* \* \*

Таҳликали дунёнинг армонларидур бир саф,  
Армонлардан толган кўп инсонларидур бир саф.

Шафоат истаганда тиглаб турган жароҳат,  
Азроилдек жон сўрган жононларидур бир саф.

Саодатга шерик, лек, эл дардидан йироқда,  
Ўзин ўйловчи сохта имйонларидур бир саф.

Хуснин кўз-кўз этгувчи, ҳаёт шундай сеҳрдир,  
Бирда озор, бир кун хуш давронларидур бир саф.

Қоқилсанг гар, хас мисли босиб устингдан ўтган,  
Турсанг қутлаб келган шул меҳмонларидур бир саф.

Начораки, инсон сен изминга ҳеч бўй бермас,  
Ҳаёт йўлингда ғайри нишонларидур бир саф.

Танҳо дема, ўзингни, Сулаймон, кенг дунё бу,  
Қаторингда хуш ҳам дил вайронларидур бир саф.

\* \* \*

Тополмайсан башар ичра дилингга энг яқин маъруф\*,  
Топилгай лек дилинг эрмас тилингга энг яқин маъруф.

Агар бошингга иш келса, ажабким, бир замонларда -  
Яқин келмаски, ваҳ, кўнгил йўлингга энг яқин маъруф.

Экиб кўнглига гул сўзинг, шифосидин олиб сўнгра,  
Қилур кўз-кўз жамолин, ўз гулингга энг яқин маъруф.

Камиш бошидек ҳар ёнга тўзур мисоли ўз ризқинг,  
Тутолмайсан, тутарки дом қўлингга энг яқин маъруф.

Сеҳр-жоду билан аврар, келурсан қошига қайтиб,  
Тузоқ қўйгай оёғинг чун, йўлингга энг яқин маъруф.

Сулаймон, чекма оҳу воҳки, андин бир самар йўқдур,  
Тополмасдан эсанг сарсон дилингга энг яқин маъруф.

\* \* \*

Сўз нафосат гулшанида гулки, андин тил зариф\*,  
Ким чаманнинг ҳуснин очгувчи мисоли гул зариф.

Аҳли инсон бир-бирисин эҳтиёжин англатур,  
Одам ичра мангу қолган хислату кўнгил зариф.

Сўзни қадрин этмаган ҳайф, ҳам субутин эл аро,  
Собит ўлган аҳди поку кўзига шоҳ қул зариф.

Аҳди ёлғон макр ўйига посбон ҳар кимсадин,  
Ошённин этган обод бурро тил булбул зариф.

Сўз муқаддас ҳам илоҳий унда бордир хушнаво,  
Кимки тутса содиқ айлаб сўзга меҳрин ул зариф.

Эй дўстлар, сўз ҳақинда сўз битибди саҳв эмас,  
Демангиз сиз лек Сулаймон матлабин ҳам ул зариф.

---

\*Маъруф - таниш, дилкаш.

\*Зариф - доно, билимдон.

\* \* \*

Юрагим бўлди кабоб, дилдорнинг сўзи анга сих  
Не баҳо бермиш башар сўз бирлаким урганга сих.

Инсоф айлаб яхшилар сиз айтингиз одамдаги  
Қайси меҳри йўқ суқур жонин қучиб турганга сих?

Жон ҳовучлаб турганим рост, буки лобар қаҳридан,  
Қўрқамен, ул санчадур борки кўзи кўрганга сих.

Бир замон ўтди ҳануз асло муродин билмадим,  
Не шараф урмоқ анга мендек азоб кўрганга сих.

Боқмадим соғинса-да кўз, оразин истаб беҳол,  
Ўйладим, санчмасмиди балки у юз бурганга сих.

Дедилар кечма кунинг асло формушлик билан,  
Изтироблар муждаси бўлгай хаёл сурганга сих.

Бунда бедодингни қўй, бас қил, Сулаймон, чоғлама,  
Дарду изҳоринг билан ўзинг-да ҳар кўрганга сих.

\* \* \*

Эй жаҳон мулки - чаманда ҳуснин очган лоларух\*,  
Ошинолар кўнглига гул бўйи сочган лоларух.

Сўзларингга иштиёқманким, ҳузур жондин йироқ,  
Кўзларимнинг сен дея уйқуси қочган лоларух.

Ўй сурурсан, мақсадинг ишқ васлин орзу кўйида,  
Сир тутурсанки, хаёлинг кимни қучган, лоларух.

Кел, қўлинг тутгил менгга, ишқдин хитоб айлай десам.  
Йўқ жавоб сендин, хаёлинг қайта учган лоларух?

Сен Сулаймон фикрини рад айлаган бир сўз дема,  
Бўлмасин ишқ матлаби бу дилдан учган, лоларух.

---

\*Лоларух - гулюз, лолаюз.

\* \* \*

Тортарам ранжу алам ул шўхи зебо келмагач,  
Кимга дардимни дейин бир аҳли дунё келмагач.

Ёзгириб ҳеч кимсага ишқ арзин иншо қилмадим,  
Билгай эрди ким ани бошига савдо келмагач.

Ютганим оғу бўлур, йўқ ўзга менда ихтиёр,  
Не қилур эрдимки, дўст - ул шаҳди дунё келмагач.

Яхшилар, беҳудага айб этмангиз ҳарчанд киши  
Ел каби ишқин сочур, ишқига шайдо келмагач.

Бошима фикри гўзал, бу иш мени лол айлади,  
Не қилур эрмиш кишиким фикри доно келмагач?

Ишқ саҳроси аро сарсонда қолдим, қақрадим,  
Сув ичур қайдин дилим, бир кўнгли дарё келмагач.

Эй Сулаймон, сўзлагил, невчунки сен озурдасен,  
Васли дилдор орзуси келганда ҳам ё келмагач.

\* \* \*

Шароби ноби орзусин қилурлар, май хумор ўлгач,  
Рафиқлардан тилаб суҳбат, аларга интизор ўлгач.

Аё, пайваста ичмакни саодатлиғ демас ҳеч ким,  
Сув ичмак орзуси келмас кишига беҳумор ўлгач.

Деди: - Доно билан ичгил, агар ичмоқ эсанг, Хайём,  
Ғаним ҳам ошино бўлгай, қадаҳ кўнгилга ёр ўлгач.

Ўзи тирноқча дардинг ҳам ғами дунёга айланмиш,  
Заҳар ичмоқлигинг нашъа яқин улфатга зор ўлгач.

Агар этсанг тановул, ним қадаҳ бу иш ниҳон деб, лек,  
Бўлулки айбинг ошкора икки юзинг анор ўлгач.

Ружу қўйсанг, бу шайтон бўйнингга иснодни илғувси,  
Сочур эрмишки май бўйин туробинг ҳам мозор ўлгач.

Сулаймон, тут қадаҳ майли, кўнгилни шодламоқ истаб,  
Ки бил, қадринг кетур элда май ичмоқ ифтихор ўлгач.

\* \* \*

Кишининг қадрини билдим, кишига интизор ўлгач,  
Мисоли тўймай истарларки, уйқуни, наҳор ўлгач.

Ҳаволанмоқ билан умри кечар девоналар осий,  
Билинг, нодон бўлибди ким ўзига ифтихор ўлгач.

Дедим рост, сўзу кўзимда кибрнинг акси ёд ўлди,  
Меҳр қайдин макон топгайки манманлик шиор ўлгач.

Қабоҳат ичра баъзилар юракка жойлаб армон, лек,  
Бири-бирисин эъозлар, бу жон ўлимга ёр ўлгач.

Ўтар дунёки сезмас, эй хаёлида ҳеч ўтмаслар,  
Муҳаббат қайда қолгай, анда азми жон шикор ўлгач.

Унут қилма кишиликни ва дилкаш дўстни меҳрин топ,  
Бўлур кўнглинг, Сулаймон, шод-сўзидан баҳравор ўлгач.

\* \* \*

Анбиёдек юрагимга бўлди эъоз кўҳна Шош,  
Туробига тенг туроб йўқ десангиз соз кўҳна Шош.

Мадҳу васфин тилга олсам, бурчлиманки шубҳа йўқ,  
Шеърга мавзу, сўзга ғоя, созга овоз кўҳна Шош.

Кўҳна деб ким этса талқин буки назмий бир мажоз,  
Балки айтсам борки, дунё токи пардоз кўҳна Шош.

Ихтиёрим овлаган ул ризқ — насибам, масканим,  
Ким харорат қўйнидадур тўрт фасл - ёз кўҳна Шош.

Субҳидан то шоми тўймай шамс ўпибди елкасин,  
Кифт тутибди тунда юлдуз илгига боз кўҳна Шош.

Ҳур элимнинг юраги деб сенга боғлаб юрагин,  
Ризқ топибдики, Сулаймон кўнглидир ёз кўҳна Шош.

\* \* \*

Кабоҳатдин озор топган дил қон талош,  
Нетурмизким диёнатга эгилмас бош.

Касофатлар касрин кўриб кундуз то шом,  
Уялгандан юз беркитар ҳатто қуёш.

Бир нодонлиғ аслин излаб тополмасдин,  
Аро йўлда сарсон кезур неча юз бош.

Забонингда ниҳон оғу асрасанг гар,  
Қани инсон, сен излаган меҳру кўз-қош.

Биринг гулсан нафосатли, биринг аёз,  
Гулга аёз бўлолгайму айттил, дилдош?

Туғилганда биллурдек соф қалбинг аро,  
Юрак дея кашф айладинг муштдек бир тош.

Ошино бўл, ўтур дунё бир-бирингга  
Бевақт, асло, қуйилмагай кўзингга ёш.

Сулаймоннинг сўз мулкига рафиқ бўлсанг,  
Келиб ўлтир сўл ёнига, эй кўнгилдош.

\* \* \*

Бор бу инсон қисматида бир келиш, сўнг бир кетиш,  
Ваҳ, минг афсус, нола бирла кетмоқ армон, тўй келиш.

Келмоғингдан кетмоғинг то ризқ насиба ахтариб,  
Иккисининг ўртасинда бўлди коринг ит елиш.

Елмоғингку рост биродар, кўрмадинг ҳеч мантиғин,  
Ўйладингму, эрканин йўқ сенда лаҳза тин олиш.

Бир саволга ҳеч жавоб йўқ йил кечиб, минг нечалаб,  
Қон ва жонга ёв қусур бу - бир - бировни алдамиш.

Кун келиб кир-чир диёнат ичра маҳкум тақдиринг,  
Икки ҳатра сув-ла қадр қимматингни ўлчамиш.

Қилгай афсус бир, Сулаймон, буки дўстлар шавқини,  
Чиқса бот-бот эсламишмиз, ҳокидан, ваҳ гулқамиш.

\* \* \*

Чиркинли бу дунё иши мақсад турфа бир кечмиш,  
Бандилари исканжадин қийноқсиз қўлин ечмиш.

Озурдадин ҳол сўрмоқ йўқ дилозорга тавозе,  
Гуноҳсизлар толеъ кўкин юлдузи бевақт учмиш.

Фақиргаку ташвиш қаён, минг афсус, лек, давлатманд -  
Бойлик васлин хаёл айлаб, ухлаб тушида қучмиш.

Норасога жон куйдириб уқтирмагин пандинг ҳайф,  
Виждон ўйи хароб, чунки кўнгил чироғи ўчмиш.

Бўхтон билан кун кечмоғи шиорликка айланса,  
Юзлар афсус - юз ойнаси қароликка юз очмиш.

Ўзинку қўй, э воҳ, ҳатто ёмонларнинг сояси,  
Бу дунёни барбод этиб, у дунёга сўнг қочмиш.

Сулаймон ҳам доно демас ўзин, айтинг инсонлар,  
Қачон, ахир, бир-бирига бахтин маёғин очмиш?

\* \* \*

Муқаддас зот аёлдиким, ҳаётга ул суянч, ғоя.  
Сабрли у само қучган, метин мисли виқор ғоя.

Тутур пайваста тенгликда бу борлиқ шаъни салмоғин,  
Тилар ундан тирик жон бор азиз жонига ҳимоя.

Агар кўксига бош қўйсанг, фориғдурсан минг офатдин,  
Ўзи эрмас меҳр нури билан сун тутган ул доя.

Ўзинг айт ростин инсон то неча юз, балки минг йилдан -  
Тополдингму юрагинга юрагингдек бир ҳамсоя?

Само бағрин макон эттувчи мақсадни хаёл айлаб,  
Лочин мисли қанот қоқсанг, онанинг жонидур қоя.

Сочин оқи, ажин юзи, бирам тотли деган сўзи,  
Бўлур жони билан ҳатто сенинг бошингга ул соя.

Онасиз - кам бу кўнгилга, тилаб минг қон бағирликдан,  
Тополмайди Сулаймон ҳеч ўзи истовчи бир ғоя.

\* \* \*

Ҳисобсиз бойлигинг бўлса, солур умрингга ул соя,  
Қай асрашни хаёл айлаб, кемиргай сени ўй-ғоя.

Агар бир содда исботин десам инкор қилолмассен,  
Бўлур илк бора ағёринг ҳасаддан ёнган ҳамсоя.

Дегайлар икки ёндошнинг бирини кўз, бирини қош,  
Агар қош қилса кўзга қасд, бўлурму кўзга ҳур ғоя.

Ҳануз ҳар мулки давлатнинг азалдин ҳам давоси сир,  
Агар сир сақламас эрсанг топурсан кимдан ҳимоя.

Фикр қил, борми бир неъмат сиҳат салмоғидан ортиқ  
Ва шу жисминг келиб бир кун қорилмасму, кириб лоя.

Сулаймон пандидан огоҳ бўл, эй ҳар бандайи гумроҳ,  
Тутилмас қўлингга давлат, тутур умрингга лек соя.

\* \* \*

Оқил ҳурматин сақлаб меҳнатдин топар обрў.  
Доно ўрнида сўзлаб ҳикматдин топар обрў.

Ҳотам борини юртин хайрига этиб эҳсон,  
Эл кўзи аро юксак ҳимматдин топар обрў.

Ишқига садоқатли ҳар зебо номаҳрамдин,  
Юз-кўзин тутиб пинҳон чимматдин топар обрў.

Кўнгилни нозик билган лафзини этиб ширин,  
Сўздек мўътабар олий зийнатдин топар обрў.

Меҳнатни суюб дилдан танти, мард, баҳодирлар,  
Бетакрор шуқуҳ бирла ғайратдин топар обрў.

Инсонлар аро мавжуд афсус феъли нокаслик,  
Нокас ўзи наздида ғийбатдин топар обрў.

Ғийбатдин қочиб бир дам, бир дам тин олиб алҳол,  
Сўзланмай Сулаймон шу фурсатдин топар обрў.

\* \* \*

Кечди бу кун, келди тун ҳам - менга уйқу яхшироқ,  
Маҳлиқони тушда кўрсам тушги туйғу яхшироқ.

Ишқ азобин масканидин олис ўтсин ҳар киши,  
Жонга ишқнинг ҳасратидин бошқа қайғу яхшироқ.

Ҳасратимга йўқ ниҳоя, ташнамен ёр сўзига,  
Гарчи ундин хуш хабарлар келса ғайб\*, у яхшироқ.

Айтингизлар кўзларимга ҳуснин эҳсон айласун.  
Ким дегайлар ҳар гадога қилса хайр, у яхшироқ.

Оқибатким кўнглима дўст бир қадаҳни танладим,  
Бода бирлан дўстлигимга хона дайр\*\*, у яхшироқ.

Эй Сулаймон, бунча оҳу нолали сен демангиз,  
Дил ёзишга олами сўз ичра сайр, у яхшироқ.

\* \* \*

Ким Ватанга сажда қилмас - анда хуш паймона йўқ,  
Сўзининг маъносида ишқдан асар-нишона йўқ.

Тўйғазур у қалбни доим қатра-қатра меҳридан,  
Қатра қадрин тенгламоққа ўзга бир дурдона йўқ.

Тўтиёдир, тўтиё ул тупроғи дард фориғи,  
Гардидек бу кўзларимга товланур раҳшона йўқ.

Битта сўз бор у - Ватан, зероки имло ичра ҳам,  
Ҳам қоғозда товланур ул сўз каби нақшона йўқ.

Лол этур ҳусни ила ким кирса шеърий кенг жаҳон,  
Ким навода ҳам Ватандин ўзга сўз - бахшона йўқ.

Гар Ватандин сўзласанг, бағринга оқмиш соф зилол,  
Мавжи алла айтган улдек дарёи - Вахшона йўқ.

Мен, Сулаймон эл, Ватанга сажда қилгум то абад,  
Не бу тонгки мақсадимда ўзга сўз - нишона йўқ.

\*Ғайб - йўқликдан.

\*\*Дайр - майхона.

\* \* \*

Бир малак этди меники, беадо мазмунда доғ,  
Билмадим қай элда у, борики, бу мен - бунда доғ.

Ўнгму рўе эрдикки, билмам фаромуш кўрганим,  
Оразини қўмсаган жисму жоним ҳар кунда доғ.

Заҳми пинҳон ўртади, қувноқ десам мен, дўстларим -  
Дедилар, юз-кўзингга қайдин тўлибди унда доғ?

Дардини ёзмай киши кори ниҳона қилса гар,  
Ким абад қолгай эмиш ўлган киши - мадфунда доғ.

Ишқ васлики, агар қўл етмагувчи орзудир,  
Аслида, бил юрагингдан кетмагай ҳеч шунда доғ.

Аҳди доғлик фикридан ҳур эт меники, эй кўнгил,  
Бўлмагай сархуш хаёли ҳолати ҳеч кунда доғ.

Бунча доғ битдинг, Сулаймон, бу не ҳол деб сўрсалар:  
Мен жавоб этдим, - Азалдин йўқмиди "Ўрхун"\* да доғ.

\* \* \*

Сен меҳр боғида гулсен, атридин олам чароғ,  
Лутф агар қилсанг бу етти иқлима етгай фароғ.

Она бўлдинг жон ато айлабки мўмин барчага,  
Қалбинга ўсди латофат мулкидан минг боғу роғ.

Сабрингга ёндошу эш бўлмас тугар меҳринг кўриб,  
Ақли лол бўлди қуёш ҳам тонг-ла юз очганда чоғ.

Бунчалар чексиз бағир тутмиш сенга қодир Худо,  
Чўнг сабр-бардошингга жим бош эгурлар чўққи-тоғ.

Сен зилолий соф кўнгил, борлиққа жон тутган сеҳр,  
Ким намоён ўлғуси дарёнинг ҳам мавжида доғ.

Истироҳат мулкисан, малҳамли ҳар сўзинг билан  
Хўп шифо бўлдинг башарга, муддаолиғ фикри чоғ.

Эй буюк зот, васфингга келса Сулаймон илҳоми,  
Толмагай қўл ҳеч, ажиб, тин билмагай кўзу қароғ.

\*Ўрхун - эски хусниҳат.

\* \* \*

Тарки осойишталикдир жонингга озорлиғ,  
Оғу-ла ғарқ умрингу кўксингни тилгай хорлиғ.

Кутма имдоду ҳаёт асло сафосин излама,  
Излаганлар топмади дунёйи дунда ёрлиғ.

Тақдиринг фатвосига ҳаргиз ўзинг вобастасен,  
Этгилу бошингни ҳам, айла анга иқрорлиғ.

Лафзидан бегоналиқ асло кишига хос эмас,  
Тулкига ҳар дам безакдирку фақат айёрлиғ.

Кимки шод, ким кам кўнгил бирла кечиргайдир ҳаёт,  
Зар сочур оламга лек-тенг кунки бил анворлиғ.

Ҳеч замон кўнглин қаро қилмас Сулаймон дилкашин,  
Кўнглини қилгай чароғ ҳар кимсани дилдорлиғ.

\* \* \*

Камтарин бир дўстинг бўлсин ҳаёт йўлингда ҳамроҳ,  
Умр йўлинг узра олис-саҳро чўлингда ҳамроҳ.

Улуғ бўлсанг улуғ бўлсин, фақирликда фақирдек,  
Юрагингга яқин йўлдош, пайваст сўлингда ҳамроҳ.

Алам доғи бошга ташса лаънатлаб шўр қисматни,  
Сузар бўлсанг қайиқсиз ҳам денгиз кўлингда ҳамроҳ.

Тирикликни билсанг, кечгай қиш, ёзи бир аролиғ,  
Ёз ёнингда бўлса бўлсин довул-дўлингда ҳамроҳ.

Дилин тутса шижоат-ла сабот айлаб рафиқлик,  
Туғишгандек тутинган ҳам бўлур йўлингда ҳамроҳ.  
Синамоққа не ҳожатки, кўнгил анга ошиқса,  
Мард эрса у адл тургай қуруқ-ҳўлингда ҳамроҳ.

Сулаймон дер мавжи дарё-тўлқинлардек толиқмас,  
Муродли бир дўстинг бўлсин ҳаёт йўлингда ҳамроҳ.

\* \* \*

Илтифот айларми ёр мен қулга ул матлабда шоҳ,  
Шоҳ ул бўлганда ҳамки нописанд-мазҳабда шоҳ.

Хуснидан дил қонса бас, суҳбатни орзу қилмагум  
Ким қачон тенг айламиш қул наслини мансабда шоҳ.

Лутфига дўстлар биров асло инонмам, ҳеч назар  
Қилмоғига йўқ ишонч, чун тахту тож-маснадда шоҳ.

Бўлди ҳолим дард сари, бир сўзи маъқул топмайин,  
Тенги йўқ озурдалиғ ҳам сўзи аксу радда шоҳ.

Сўз уқиб ҳеч бир наволи сўзидан фикр уқмадим,  
Ўзига қўйган бино танҳо дея фикратда шоҳ.

Жонга тегди ким Сулаймон ноладин қўл силтагач,  
Излади ўзга рафиқ, маъқул эмас улфатда шоҳ.

\* \* \*

Сўз нафосат гулшанида, гул бу эрмас иштибоҳ,  
Пишмайин қалбингдан узма, сўнг чекурсан оҳу-воҳ.

Неку бадга хос сорбон, муддаоқаш тил-забон,  
Сорбонга амр этувчи доно қалбинг асли шоҳ.

Сен ўзингни доно билмай, камтаринлик айласанг,  
Мунтазирдур сенга доно матлабидин тахту жоҳ.

Иззатинг бил, сўз ўйини камтаринга луфт этур,  
Нур таратса яхши хулқинг шунда кўнглинг шод-роҳ.

Комил инсон излама ҳеч, оғригингнинг боиси,  
Сўз ва тилдир жон ароким, гарчи бўлса зарра оҳ.  
Номувофиқ сўз азобин заҳри тигдин кучлидур,  
Ҳазм этолмас изтиробин мард киши ҳам гоҳо-гоҳ.

Тил шитобин сақлагай ким, ул йироқдир ноладин,  
Зарра шубҳа йўқ, Сулаймон дерки дўстлар чин гувоҳ.

## МУҲАММАСЛАР

Беназир хусни гўзал, кўнглим паришон айладинг,  
Иштиёқ гулзорига бу дилни боғбон айладинг,  
Келмоғинг овозасин олам аро шон айладинг,  
Келмадинг дарди дилим ичра, минг афғон айладинг,  
Равзадек қалбим бузиб, бир саҳни ёбон айладинг.

Фахр ила тўлган эди қалбимга бу шайдолигим,  
Билсанг эрди-билмадинг меҳри мисол дарёлигим,  
Балки сенга бас, етар ишқ мулкида ошнолигим,  
Сен у ён, мен ҳам бу ён-дахр уйида танҳолигим,  
Битта жонга юз жафо, дард борки пинҳон айладинг.

Қай йўсинда кўрсатай куйган дилим андозасин,  
Кўрмоғим мушкул ўзим балки бу дунё хандасин,  
Истадимким, ҳимматингдан бу ҳаёт фархундасин,  
Билмади олам ҳануз мендек-да гофил бандасин,  
Ишқ мулкин даштида сен телбайи жон айладинг.

Васлингга бўлган менинг орзу хаёлим ифтихор,  
Интилиб сен ҳам менга балки хаёлинг интизор,  
Истагу қасдингин айт, недин иборат ихтиёр,  
Икки ёнда икки дил етмай висолга энди зор,  
Кўнгил отлиғ қасрингга ағёрни меҳмон айладинг.

Бўлмагай асло самар булдек ҳаёт маъносидан,  
Топмадим бир маъни ҳеч ишқнинг бу хил савдосидан,  
Оташин шафқатсиз ул келган бу ишқ ғавғосидан,  
Инчунин тутганда, қўл етмас бу ишқ даъвосидан,  
Оқибат нолон мени сўзи Сулаймон айладинг.

\* \* \*

Эй кўнгил, келсанг, сенга бир жон нисор айлар эдим,  
Босган ҳар пойинг уза кўз интизор айлар эдим,  
Меҳр ила меҳрингга шайлиғ ихтиёр айлар эдим,  
Бахтиёрлик бобига мансуб шиор айлар эдим,  
Олама васфинг чизиб, сўнг ифтихор айлар эдим.

Қошларинг, юзу кўзинг кўз ўнгима келган замон,  
Ёр хаёлин бодаси қалбим аро тўлган замон,  
Мен фақирлик дастидан кечганда, бахт кулган замон,  
Икки дил бир жуфт бўлиб, васлинг ато бўлган замон,  
Қалбима гулдан қаср, гулзор-диёр айлар эдим.

Бевафо ишқинг билан дардларга дедингму йўлиқ,  
Сўйласам бир-бир барин, кун шомга юз тутгай тўлиқ,  
Жон қуши бағримда-ю, билмам нечун кўксимда тиг,  
Сен кўнгил тутсанг менга инкор этиб пинҳоналиғ,  
Эл-улусга ишқимизни ошкор айлар эдим.

Аслида, шодон эдим, ёдимга ишқинг келмаси,  
Ноилож қолдим, нетай, тақдир ишини билмаси,  
Бенаво этдинг мени бир бора кўзга илмаси,  
Ҳижронинг зулми ила бўғзимга бу жон келмаси,  
Қатлима келгувчи мос қатъий қарор айлар эдим.

Сенки, ишқ меҳробига турдинг эгиб бошинг бу кун,  
Маҳбубинг севмас эса дилни ёқиб бўлма кукун,  
Қўли осмондин йироқ бўлсанг оёғсиз - бесутун,  
Ишқ дардин шарҳидан пинҳона сир сақлаш учун,  
Эй Сулаймон, ишқ аро дема шиор айлар эдим.

## АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Дилрабо ағёрга ҳамкор бўлғунгдур яна,  
Бош эгиб ҳар измига иқрор келғунгдур яна,  
Устига-устак дилим такрор тилғунгдур яна,  
Кўзни лаълинг шавқидин дурбор қилғунгдур яна,  
Жонни кўзум ҳажридин бемор қилғунгдур яна.

Сақламай эл кўзида ор, айладинг мендин ҳазар,  
Бошима минг хил маломатлар ила айлаб хатар,  
Сенга жон тутсамки, қўл тутмай, биров кутмай самар,  
Яъни, эй товуспайкар, айлабон азми сафар,  
Тавсанингни кабки хушрафтор қилғунгдур яна.

Сабри жоми чайқалиб ҳар дамда тўқилса фиғон,  
Гар шафоат ўрнига кун-кун яқин келса фиғон,  
Ваҳки, жон сарриштасин боз оташин қилса фиғон,  
Эй кўнгул, васлин ганимат тут, даме қилма фиғон, -  
Ким ани топмай фиғон бисёр қилғунгдур яна.

Дардими айтсам сенга ишқ боиси, билгай табиб,  
Аҳли ровий айтадур жоиз эмиш бир сўз латиф,  
Изтиробимга шифо излаб, сенга келдим, ҳабиб,  
Борганидин хастамен, қилсанг иложим, эй табиб,  
Умри зойи айлабон бекор қилғунгдур яна.

Бир ғазал битди Сулаймон қўрқадур, титрайди жон,  
Ишқдин сўз очмоғи қошингдадур бир имтиҳон,  
Кўрмамиш пайдоки, то ҳуснинг элин бу кенг жаҳон,  
Гул киби юзунг Навоий кўзидан айлаб ниҳон,  
Кўзунгга ҳар кирпигин бир хор қилғунгдур яна.

## БОБУР ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Кел эй дилбар, наво бирла кечур кун, жон омонидур,  
Фориғ этган мусибатдин кишининг ханда онидур,  
Кишилиқдан хабар берган, бу хислат банда шонидур,  
Баҳор аёmidур доғи йигитликнинг авонидур.  
Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.

Бу оламга боқиб, эй дўст, ҳаётнинг баҳрасин олгин,  
Тўёлмасдин жамолига қолур тонгларда кўз толгин,  
Назокатли ифр базмин қиёсиға назар солгин,  
Гоҳи саҳро узори лола шаклидин эрур гулгун,  
Гоҳи саҳни, чаман гул чеҳрасидин арғувонидур.

Чаманзорлар чирой очгай саховат мулки, қўллардин,  
Саволин сўр, жавобин кўр поёнсиз дашту чўллардин,  
Ким ўтмай, ким ўтиб кетди умрнинг фасли-йўллардин,  
Бино саҳни чаман бўлди, мунаққаш ранг гуллардин -  
Магарким, сунънинг наққошига ранг имтиҳонидур.

Сенга саргаштаман, гулёр, чун эй ҳуснинг бу дил зори,  
Нафас олгувчи жонлардин бўлурму ишқни безори,  
Менга этма вафосизлик, сезилди жоним озори,  
Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,  
Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарвиравонидур.

Сулаймон дер: Ҳисоб этманг не кечди они Бобурнинг,  
Ватандин мосуво тушганку ризқи, нони Бобурнинг,  
Мусофир отли гулшанининг ичинда шони Бобурнинг.  
Не ерда бўлсанг, эй гул, андадир чун жони Бобурнинг  
Фарибингга тараҳхум айлагилким, андижонидур.

## ОГАҲИЙ ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Тушу ўнг ҳеч кўрмаган шакли аломат кўрмишам,  
Ким фақир кўнглимга-ю, жисмига омад кўрмишам,  
Нотаниш дилдорага ўздин хушомад кўрмишам,  
Дўстлар, бу кун ажиб бир сарвқомат кўрмишам,  
Сурати бошдин оёқ ғарқи латофат кўрмишам.

Ул ила суҳбат гали - бу дилни якбор хандасин,  
Ҳайрат-ул борлиқни-да сеҳру саховат ганжасин,  
Ишқиға масруру лек, мен дил жароҳат бандасин,  
Офтоб осо мусаввар талъати фархундасин,  
Оламаро ахтари авжи саодат кўрмишам.

Шамсинг рухсоридан кам бўлмағай, узори лутф,  
Демангиз ҳеч бир замон бўлғай, бўлур безори лутф,  
Ким назокат лутфидан бўлмасмиди озори лутф,  
Юзларининг шаклини англаб гули гулзори лутф,  
Кўзларининг суратин айни иноят кўрмишам.

Сочининг ҳар толасин мадҳига етмас бир баёт,  
Кўзларим кўрди, қўлим ҳуснига битди муншоат,  
Жон озуғли сўзини сездим майи ноби ҳаёт,  
Жонфизо ширин лабини туймишам оби ҳаёт,  
Руҳипарвар нуктасин дурри зарофат кўрмишам.

Дилрабони мақтасам ҳақ сўзда сўйлаб одатин,  
Авж этур агёрлар зимдан тўқиб маломатин,  
Неки нав бахт туйди дил зеболар валломатин,  
Қочса ҳушим тонг эмас, кўргач қиёми қоматин,  
Ким мани ҳайрон, они қойим қиёмат кўрмишам.

Ишқ учун бошим қора кунларга қолғай оқибат,  
Ё юракнинг боши ҳам андуҳга тўлғай оқибат,  
Ёзғириб жонона дўст, ҳолимга кулғай оқибат,  
Билмадим, ҳолим не ерда ойид ўлғай оқибат,  
Ким ўзим шавқида кўб бесабуру тоқат кўрмишам.

Эй Сулаймон, дема сен ишқ аҳлидек дилпора йўқ.  
Биз каби, аҳли жаҳон наздида, ҳеч оввора йўқ.  
Кўрдилар таскинли лек, хуш битта сўзга чора йўқ.  
Огаҳий, эмди менга ўлмақдин ўзга чора йўқ,  
Ким, бу кун жонимда дардин бениҳоят кўрмишам.

### ФУЗУЛИЙ ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Нозанин лутф айласа, мен ифтихор этмазмидим,  
Кам кўнгилни ул била хуш бахтиёр этмазмидим,  
Гар вафо қилсайди, анга дилни зор этмазмидим,  
Ақл ёр ўлсайди, тарки ишқи ёр этмазмидим,  
Ихтиёр ўлсайди, роҳат ихтиёр этмазмидим?

На бўлур-жонга ато этсаки сўз-дурин, лабинг;  
Сўз бажо этмайди ҳеч, асрайди бир-бирин лабинг,  
Густоҳ фахмимки ҳеч билмайдику сирин, лабинг,  
Лаҳза-лаҳза суратин кўрсайдим ул ширин лабинг,  
Сен киби, эй Бесутун, бан ҳам қарор этмазмидим?

Кўнглини дудмоғ ила гар қошинга галсайди сабр,  
Эрта-кеч сўнг ҳам бизим гал гелмасин билсайди сабр,  
Ёр хаёлин ҳис эдур имкония тўлсайди сабр,  
Ёр-ла, ағёри ҳамдам, гўрмага ўлсайди сабр,  
Тарки гурбат айлаюб, азми диёр этмазмидим?

Гар жамолинг васфига уч дўрд гитоб дузсам баёз,  
Бан гадога бир сухан сўз айтмагинг назру ниёз,  
Ишқа зор ошиға де: Бундан-да ворму имтиёз,  
Воизинг куфринг бани расволиғимдан қил-қиёс,  
Онди сидқ ўлсайди, бан тақво шior этмазмидим?

Туша ҳам майли юзунг бир геча гелсайди, банга,  
Ай, висол атворидан толеъ гулсайди, банга,  
Рухсоринг наҳшига тўймоғ гелсайди банга,  
Ул гули хандони кўрмак мумкин ўлсайди банга,  
Сантак, эй булбул, гулистона гузор этмазмидим?

Сансизин надур ҳаёт бад-суди не даркордир,  
Йўл нигор ўлган ики гўзим йўлингда зордир,  
Қатра сув вўғзимда-ю ҳар ютмоғим озордир,  
Дардими оламда пинҳон тутдигим ночордир,  
Уғрасайдим, бир табиба ошкор этмазмидим?

Жисми айру икки, лек ҳар битта жонмиш кўнглими,  
Айрилуғ берган изолиғдин ниҳонмиш кўнглими,  
Эй Сулаймон, ким де ишқ чоғида қонмиш кўнглими,  
Эй Фузулий, доғи ҳижрони-ла ёнмиш кўнглими,  
Лолалар очсайди, сайри лолазор этмазмидим?

### **АБДУЛЛА ОРИПОВ ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС**

Ўз элим, ўз тупроғим қадри буюк маъво бу кун,  
Интизор кўнгил аро лек, ҳажри ишқ ғавво бу кун,  
Кўйида ёндим, ҳаёт озор, шудир маъно бу кун,  
Ваҳки, ишқ саҳросида қолдим беишқ танҳо бу кун,  
Чиқма Қайс, оҳим билан ёнмоқда бу саҳро бу кун.

Ҳажрида ҳар қанча мен, кўргандек офат қолмади,  
Тадбиру минг турли хил, эл билган одат қолмади,  
Кечалар, ойлар гувоҳ, жисмимда тоқат қолмади,  
Чеҳрайи заррин сира кўрмакка ҳожат қолмади,  
Шамс нарвони уза ағёр эрур пайдо бу кун.

Ой менга пинҳон деди дардингни тунда куйла жим,  
Бир паривашга бориб, севгимни дардин куйладим,  
Сўз қотиб, сўз олмадим, қалбимни очдим, сўйладим,  
Шарҳи дил этмай туриб, рад этди ёрим бўйла ким,  
Қисмат омин айтди, айтмай зарра бисмилло бу кун.

Қадри йўқ бир хас мисол кўрсам уволдек ҳолатим,  
Дўсту ағёр наздида ким мисли золдек ҳолатим,  
Ўз сўзин билмас ношуд ё мисли лолдек ҳолатим,  
Нун лабинг узра сокин қолди ҳилолдек ҳолатим,  
Ҳарф ўйин айлай десам, ўзга эрур имло бу кун.

Майлиму увол бўлиб, бир жон сўлиб куйса бағир,  
Бошида кошона йўқ, телба каби бўлса сағир,  
Бу ҳаёт шундай эрур, баъзида талх-тузсиз, тахир,  
Бағриқонлар бирла ернинг зарра дарди йўқ, ахир,  
Кўкда ҳам иблис билан машғул эрур Олло бу кун.

Бевафо севги чаманда сўлғиган бир гул экан,  
Бевафолиғ коридан ишқ аҳли куйган кул экан,  
Севамаганлар наздида ишқ қадри-чи бир пул экан,  
Чархи кажрафторнинг шеваси доим шул экан,  
Васл уйида ғайр эли айлаб юрар ялло бу кун.

Ўзга ёрдин ҳеч кўнгил кутмас висол бўлсин ҳазар,  
Маҳбубин узорига дил лутф ила солсин назар,  
Ишқ вафонинг васфидан битди, Сулаймон, бир асар,  
Ёр висоли толеъингда бўлса, Аблулло, ағар,  
Сенга парво қилсалар ҳам қилмагин парво бу кун.

### МУСАДДАС

Қалбимнинг қирғоғидан ҳислар ошар дамба-дам,  
Хушнуд чоғда забондин сўзлар тошар дамба-дам,  
Ишқдин назмий мулкимда ҳосил пишар дамба-дам,  
Баҳор мисол қирларга лола тўшар дамба-дам,  
Қалам қоғоз саҳнига безак қўшар дамба-дам,  
Фаромушда фикримга соя тушар дамба-дам.

Фикр шашти шунчаки тинмас, учқур бедовгун,  
Шукуҳидан ҳар бир қалб ёнгувчи қўр бедовгун,  
Измидадир кексалик, ёшлик ҳам ғўр бедовгун,  
Забардастликда дерлар кори манзур бедовгун,  
Истакларнинг бағрида ҳисларда зўр бедовгун,  
Юрагимнинг бошига зиё тўшар дамба-дам.

Юрак асло бошига тож киймасун риёдан,  
Унда қалблар қоронғу, бўшаб қолгай зиёдан,  
Даъво йўқдир бу дардга шифодан, анбиёдан,  
Ухлаганда тун аро маъни топмай рўёдан,  
Фойда топмас ҳеч бир дил йиғлаб ҳам дийдиёдан,  
Дард устига изолиғ дардин қўшар дамба-дам.

Истар кўнгил изодин олис-олис бормоқни,  
Жон дўстлардин жононлиқ ижобатин сўрмоқни,  
Рафиқлардин рафиқдош шижоатин кўрмоқни,  
Садоқатнинг қошида мангуга тек турмоқни,  
Разиликка яхшилик иноятин бурмоқни,  
Шулдек эзгу хаёлда қоним жўшар дамба-дам.

Эзгулик хуш хаёлдир, ҳар саҳфаси рангто-ранг,  
Софлик биллур унга ҳеч қабоҳатдин кўнмас чанг,  
Хусуматсизнинг кўнгли эшик бўлур очиқ-ланг,  
Башарга хушлигидан сув тутар у гўё "Ганг"\*,  
Соф кўнгилни алқайди Оллоҳ, бўлмас ҳоли танг,  
Ҳаллоликдан кишининг ризқи ошар дамба-дам.

Наққош мулки асарни гўзалликсиз чизолмас,  
Гард шакли ҳам сабабсиз кўз ўнгидан ўтолмас,  
Жезга чўғсиз тadbирдан инсон бир нақш битолмас,  
Сўз мулкида наққошлик оғир, ҳар ким етолмас,  
Сулаймон ҳам хаёлин беҳато деб тутолмас,  
Шоир сўз, фикр ўйида тезкор шошар дамба-дам.

## МУСАММАН

Кўзларимга ҳар баҳор хуш васли лола келтирур,  
Буки лола бошига май, жом-пиёла келтирур,  
Май ичиб борлиқ сабодан, тонгда вола келтирур,  
Бир замон кулса қуёш бир зумда жола келтирур,  
Майсаларни он сайин тоблаб камола келтирур,  
Завқ олиб авжи наво, қуш аҳли нола келтирур,  
Уйғонишни рангта-ранг шавқида ола келтирур,  
Бор ажиблик шу фасл қўйнига сола келтирур.

Чайқалур уйғонишиб борлиқ бу дам вақти ҳамал,  
Новдаларнинг зийнати ошкор ўлур япроқда ҳал,  
Тошига бошин урур тоғ жилғаси ўйнаб жадал,  
Қоқигул қир бошига сочгай зиё зардин тугал,  
Сеҳрини пайдо этур дашт узра паймони амал,

---

\*Ганг - дарё

Сабза япроғин тўшар борлиқ, жаҳон ичра алал,  
Қўймайин ҳеч бир кўнгул озурдадин тошу тамал,  
Ўсмани шодона қиз қоши ҳилола келтирур.

Сўз нафис қулфин очар мўъжизаликнинг рангидин,  
Бол йиғар тинсиз ари ҳатто бу фаслин чангидин,  
Шарқироқ сойлар ювар борлиқни қишнинг зангидин,  
Дил нафас олгай тўйиб бори шукуҳли тонгидин,  
Эртаси завқли бўлур мўъжизали бу кунгидин,  
Лол қолур фаҳму ақл булдек сеҳр чап-ўнгидин,  
Очилиб зебодайин ҳар тонгда янги-янгидин,  
Шафтоли олу бодом гул ола-ола келтирур.

Қиз қаро қошин бўяб, кўзига сурма туглагай,  
Ой юзин гул мулкига андин гўзаллик чўтлагай,  
Сочларин аждар мисол нозик белига чуллагай,  
Боқса гар кўз найзаси, шу дамда дилни тўтлагай,  
Қомати ишқдин ёқиб ҳою-ҳавасга тўтлагай,  
Бу каби маъни ҳаёт ошиқ элига бўлмагай,  
Қатра озорлиғ ўйи кўнгулга ҳеч ёд ўлмагай,  
Чунки бу хушлик баҳор фикри зилола келтирур.

Умрининг гулгун дамин инсон қадр қилмоғи чун,  
Ул даҳи гўё баҳор толе-да очилмоғи чун,  
Боту бот имконлар ҳам қоқиб эшик келмоғи чун,  
Иштиёқла устувор қонга шижо тўлмоғи чун,  
Ҳар нигоҳли хуш нафас мангуга ёр ўлмоғи чун,  
Орзулар дебочаси мисли сабо елмоғи чун,  
Сирли ҳислар остида ишқ маънисин билмоғи чун,  
Ошиқ аҳлин маҳбуби ҳоли маҳола келтирур.

Ким баҳорни севса гар, бўлсин анинг-ла ҳамнишин,  
Қалбига қалб тутса гар асло анга қолмайди кин,  
Айлагай зумда фориг тандин губорликлар кўчин,  
Ризқ ато айлар жами жонзотга ошиғ ошиғин,  
Кўк ила ер ён келиб, бир-бирга қўл тутгаймикин,  
Ҳофиз аҳли бошлагай шу дамда ялла қўшиғин,  
Мен, Сулаймон англадим дунёни шул, севдимки чун,  
Кўзларимга меҳридин шакли шалола келтирур.

## МУСТАЗОД

Фавго соладур кўнгилима бир қомати лобар,  
    Ҳар кори ситамгар,  
Ишқ матлабида онча зиёда этадур дард,  
    Ҳар сўзи аламлар,  
Озорли сўзи юрагима солурки минг чўғ,  
    Табиблигим йўқ,  
Ким, кони жафо бўлурмидим ҳолати музтар,  
    Мен ҳозиқ\* эсам гар?

Қаҳрин ошуриб кунба-куни қилмади шафқат,  
    Нифоқи минг ҳад,  
Бошимга, аё, сангги тегирмони гир айлар,  
    Бул иши зулм сар,  
Аввал хуш эди, сўнгра раво бўлди хатолиғ,  
    Юз очди риёлиғ,  
Гоҳо келадур, кетса, кетур пойини излар,  
    Мен зори қаландар.

Аҳди бор эди висолгаю ваъда бузилди,  
    Ё ғаним қўшилди,  
Энди ғазабин қасдинамо айлаб у ханжар,  
    Бу кўксима санчар,  
Тутмайди муроса йўлини фикрида асло,  
    Тим кўзга бу дунё,  
Ҳолимни кўринг, боқса менга ушбу юз айтар,  
    Ишқ ноласи қайтар.

Телба деманг, ишқда Сулаймон бегуноҳдир,  
    Ҳар топгани оҳдур,  
Истайди фақат кўнгли аро сочилса анвар,  
    Бир келса суманбар,

---

\*Ҳозиқ - табиб.

## МУСАЛЛАСЛАР

Навоийдан мерос бизга назм-ул шароб,  
Жон ҳузури ҳар қатрасин ичган сайин.  
Тўтиёдир ул зот босиб ўтган туроб,  
Асал туяр сўзин мағзин тотсанг тайин,  
Бир каломин салмоғидир беш-ўн китоб,  
Уққан кўнгил андин қониб ичмишдир об,  
Не навки об, ҳар бир сатри жонбахш-гулоб.

\* \* \*

Армоним йўқ дўстлар менинг сўздан бўлак,  
Сўз кўнглимнинг ёнгувчи шамчироғидир,  
Ундан баҳра олса, шаксиз, шодон юрак,  
Хуш бўйлари ҳаётимнинг яроғидир,  
Синиқ дилга ундан пайваст топдим тилак,  
Истакларим сўз мулкининг сўроғидир.  
Сўз кўнглимнинг нигоҳи ҳам қароғидир.

## ТУЮҚЛАР

Иқболинг қилма кўз-кўз,  
Нохос балки тегар кўз.  
Манманлигинг дил ўйиб  
Юрагингдан очар кўз.

\* \* \*

Боғдаги гул ранги ол,  
Кўнгил айтур узгин, ол.  
Хаёл дейди тиканли,  
Қўй, эркинга тизгин ол.

\* \* \*

Кимга кўнгил доим зор,  
Ангаки, онайи зор.  
Тилак, бевақт айрилиб,  
Инсон қақшамасин зор.

\* \* \*

Кўнглима, дилбар, балодин солдинг ўт,  
Ҳазм этолмас тутган оғу-заҳминг, ўт.  
Инсоф эт, заҳму балонинг дафъига,  
Кўзларим кўрсин сени, ёнимдин ўт.

## РУБОЙЛАР

Само саҳнида юлдузни соғиндик биз кутиб тунни,  
Ғаҳи шодлик, ғаҳи маҳзун аро охир этиб кунни.  
Риёлиғ-ла рутубатга сотиб, эвоҳ, ёруғ кунни,  
Нечун шошқинда истармиз, билолмам, қора гардунни?!  
\* \* \*

Агар лутфу латофатда бўлолсанг пир, кўнгил очгил,  
Фасод, фисқу маломатдин нигоҳингни олиб қочгил,  
Адл шамшири сўзинг-ла мунофиқларга тил очгил,  
Рафиқинг кўзи ағёрдин юрагингга солиб қочгил.  
\* \* \*

Ҳамиятсиз киши қадрин ўзига соя қилмайду,  
Бу неки, ўзига ўзин ҳаётда соя билмайду.  
Сўзини зарварақли тўн матоҳи-лоя\* қилмайду,  
Тариқат шу эса қадри, қорилгай лоя, билмайду.  
\* \* \*

Аёлнинг қошида ҳусни гўзаллик таъма қилмаслар,  
Юзи, кўзи, сўзин кўриб гўзаллик борму билмаслар.  
Юзингда йўқ малоҳат деб, анга ҳеч таъна қилмаслар,  
Ки, ботинда муҳаббатдин жилолиғ борку - билмаслар.  
\* \* \*

Дилга қоя, сўзга ғоя, фарзанд мулки-ошнолиғ,  
Ҳаётинга ёндош кўзи фарзанд рўйи рўшнолиғ.  
Қадр-қиммат асносида харчанд улки ошнолиғ,  
Юрагингни очмас усиз, ҳарчанд бўйи рўшнолиғ.  
\* \* \*

Сажда қилгил меҳробгамас, аввал суюб китобга,  
Шунда ўрин қолмас қалбда ортиқ кину-итобга\*\*.  
Ҳарчанд оғриқ риё дафъи, малҳам сочиқ китобга,  
Тавба қабул бўлгайму гар қалбинг тўла итобга.  
\* \* \*

Ғадоларга гадолиғ ҳам, шоҳга шоҳлик осонмас,  
Меҳнатсиз кун кечар, гадо деманг шоҳни сўзонмас.\*\*\*  
Шоҳ ҳам сиздек бир жон, асло, минг жонмас,  
Ғадо қаттиқ бемор анга, ҳаёт, маъни аёнмас.  
\* \* \*

Майни нечун севадилар сирин билмаймиз,  
Сархуш бўлса биров, кулиб кўзга илмаймиз.  
Аслида, ўз-ўзимиздан жўшиб кулгаймиз,  
Минг йил то чун яратмаслик фикрин қилмаймиз.

\*Лоя - ипакли тўқима мато.

\*\*Итоб - ғазаб.

\*\*\*Сўзон - аламли.

## МАСНАВИЙ

Ҳавас бирла тутиндим, сўз баҳам қилдим,  
Қаламдин оқ қоғоз узра рақам қилдим.

Магар сўзим бировга хуш саодат бу,  
Бошим осмон, топур таскин жароҳат бу.

Нетай, ашғор ғамида мен хуну гирён,  
Ўзим андин тутолмасмен йироқ бир он.

Буюк устозларим руҳи раво бўлгай,  
Азиз сиймоси йўлимга зиё бўлгай.

Муқаддас деб улар хокин сурай кўзга,  
Бу қалбимда бирор таъма йўқ ҳеч ўзга.

Кўзу қошим, жигар бағрим омон бўлсин,  
Ки камтарлик менинг жисмимда шон бўлсин.

Фирибгардин неча ҳисса йироқдурмен,  
Ки хокисорга кўнглидек чироқдурмен.

Узр, мен демайин мен сўзи манманлик,  
Бировлар наздида бу сўз кибр, шаънлик.

Ажиб хушдир кишин эзгуга ўйлатган,  
Ҳамиятсиз, тилин беҳуда сўйлатган.

Сиҳат жондин риёлиғ фикри келмас ҳеч,  
Кўнгил кенгдин кишига нола елмас ҳеч.

Кўнгилни кенг тутинг, дўстлар, бўлиб хандон,  
Юзингизда чирой очсин тўлиб хандон.

Вақт хушлиғда ҳамдамдур сўзу ашғор,  
Уқинг ўқиб синоат, мағзини такрор.

Севар ҳар ким ўзига мос машғулин,  
Мисоли булбул ҳам гулзорда ўз гулин.

Кўзига хушки булбул гул, чун обу тоб,  
Кишин кўнглин асир қилмиш асл китоб.

Насиҳатдин иборатдир деманг дoston,  
Бу хуш сўз дил иморатин этур осмон.

Менинг сўзим дилингизга бу кун меҳмон,  
Инонингиз, қилингиз, қилмангиз меҳмон.

Аё, вақт топдингиз сиз чун ташаккурим,  
Ки раҳматдин йироқ кетмас тафаккурим.

Қироат бобида мен асло воизмас,  
Ўзин билганга ортиқ сўз-да жоизмас.

Наҳот ашъор дамида кўлу кўз толди,  
Сўзимни мухтасар қилмоққа йўл солди.

Битилди бу девон хушдил хонаси,  
Милодий икки минг бешдир санаси.

Ки хос анга буюк лисоний ўзбек,  
Менга шу тил билан хос асли узлик.

Кўлимда мулкиму қадру маҳр сўз,  
Меҳрдир сўз, муҳрдир сўз, сеҳр сўз.

**Сулаймон ҲАЙДАР**

**Мавжи иқбол**

*(девои)*

**Муҳаррир *Икром Отамурад***  
**Бадий муҳаррир *Жаҳонгир Мирзаалиев***  
**Техник муҳаррир *Рустам Исакулов***  
**Мусахҳиҳ *Султонмурод Қушмоқов***

**Босишга рухсат этилди. 4.08.2005 й.**  
**Қоғоз бичими 60x84  $\frac{1}{32}$**   
**Босма табағи 3. Адади 1000 нусха.**  
**Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 128**

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти.**

**Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.  
Тошкент, Х. Сулаймонова кўчаси, 33**